

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

## БАРИБИР ИЖОДКОР БЎЛАРДИК



“Болаларимиз биздан ҳам доно, ақлли, ўқимишли ва албатта бахтли бўлишлари керак”, - дея таъкидлайдилар юртбошимиз. Дарҳақиқат, бугунги ёшларнинг маънавий тарбиясига катта эътибор берилмоқда. Президентимиз фармони билан 25 ёшгача бўлган қизлар ўртасида Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилиши ёшларнинг мамлакат тараққиёти, шон-шухратини юксак даражага кўтарилиши йўлидаги энг муҳим қадам бўлди.

Машаққатли меҳнатга дош берадиган, унинг азобу-укубатларини сабот билан енгиб ўта оладиган кишигина ҳақиқий ижодкор бўлиши мумкин. Ижоднинг сермашаққат йўллари ни мардонавор енгиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган бахт.

Мадина ва Малика ана шундай бахтга муяссар бўлган юртимизнинг иқтидорли қизларидан. Мадина 18 ёшда, Малика эса 16 ёшда. Буларнинг бири мусаввир бўлса, яна бири мусаввир-модельер.

**- Мусаввирликка илк бор қизиқиш қачон уйғонган?**

- Биз ёшлиги-

миздан шу муҳитда ўсанлигимиз учун аниқ бир йилни кўрсатиш қийин... Лекин онамларнинг айтишича, мен олти ойлик чоғимдан бошлаб кўлимга қалам олиб, қоғозга жажжи одамчалар шаклини туширган эканман, дейди Мадина тўлқинланиб. - Кейинчалик ақлимни таний бошлагач ҳам онам - рассом Шоира Кўзиеваннинг оддий мўйқаламда қоғозга туширган ранг-баранг тасвирлар жилоси менда ва синглимда мусаввирликка ўзгача бир қизиқиш уйғотган бўлса, ажаб эмас.

**- Мадина, сиз кўпроқ қайси услубга мурожаат қиласиз?**

- Кўпроқ рангтасвир ва қаламтасвир услубида ижод қиламан.

**- Айтинглари-чи, агар мусаввир бўлмаганингизда бошқа қайси соҳанинг этагини тутган бўлардингиз?**

Шу лаҳзада опа-сингилнинг юз-кўзларида ҳайрат ифодаси намоён бўлганини ҳис этдим.

- Болаликдан санъатга қизиқишим катта. Агар мусаввир бўлмаганимда ҳеч иккиланмай мусиқа соҳасини танлаган бўлардим. Мусиқа ва мусаввирлик узвий боғланган, шу боисдан айтиш мумкинки, мен барибир ижодкор бўлардим, - дейди Мадина бир зум ўйлаб.

- Ҳар бир киши ўз севган соҳасига интилиб яшайди. Орзулари йўлидан тинмай изланади, шу йўл билан маънавий озуқа олади. Бу касбни севиб, интилиб танлаганман, шу боис ҳеч қачон мусаввирликдан ўзга касб эгаси бўлишни тасаввур қилолмайман. Мана, ҳозирда ҳам таътилда бўлишимга қарамасдан кўзги мавсумда намоёиш этиш учун 10 та муаллифлик ишини тайёрламоқдаман.

Дарвоқе, суҳбатимиз қаҳрамонлари Мадина ва Малика Кўзиевалар ижод қилиш билан бирга шаҳримизнинг кўзга кўринган ўқув юртиларида таҳсил олишади. Мадина Камолиддин Бехзод номидаги рассомлик ва дизайн-институтининг 1-курсини тугатди. Шунга қадар Республика Рассомлик коллежини тамомлаган. Малика эса ҳозирда ушбу ўқув даргоҳининг “Либослар рассоми” бўлими талабаси.

**- Шоира опа, ўзингиз мусаввирсиз. Шу боис касбингиз машаққатини ҳеч ким сизчалик ҳис этолмаса керак. Қизларингиз мусаввирликни танлашганига сиз қандай қарадингиз?-**сўрайман қизларнинг онаси Шоира Кўзиевадан.

- Ижод тўхтовсиз жараёни талаб этади. Рўзгор юмуши ва ижод мендан жуда катта куч-қувват та-

лаб қилган. Лекин ҳаётимни ижодсиз тасаввур қила олмаганман. Аёл кишига ижодкор бўлиш нечоғлик қийин бўлмасин, агар у шу касбни севса, машаққатларини енгиб ўтишга кўзи етса у ҳолда қаршилиқ қилиш керак эмас. Бахтимга фарзандларимнинг отаси ҳам рассом. Оиламизнинг ижодкорлардан иборатлиги бизнинг энг катта ютуғимиздир. Бир-биримиздан ўрганамиз, бир-биримизга йўл-йўриқ берамиз.

Суҳбат сўнггида опа-сингилларнинг ишлари билан танишдик. Мадинанинг пейзажлари, Маликанинг назокат билан мўйқаламда чизган либослари эътиборни тортади. Бу асарларда гўё ижодкорларнинг бой ички дунёсини кўргандай бўламиз. Кечая кундуз оппоқ қоғозларга мўъжизали бармоқлари-ла дил дардини тўкаётган опа-сингилларга келгусида муваффақиятлар тилаб, улар билан хайрлашдик. Дилимиздан эса ота-она дуоси уларга қанот бўлсин деган эзгу тилак ўтди.

Мунира  
АСЛАНОВА

ХУШЁРЛИК

ТИНЧЛИКНИНГ ҚАДРИГА ЕТАЙЛИК



айтаяптилар. Бизнинг икки ўғил, бир қизимиз бор. Келгусида шуларни комил инсонлар қилиб вояга етказиш бизнинг энг эзгу мақсадимиз. Фарзандларимизнинг ким бўлиб ети-

Дунёдаги ҳар қандай неъмат ҳам тинчлик-осойишталикнинг олдида ўтаверсин экан.

16 феврал воқеаларидан сўнг тинчликнинг биз ўрганиб қолган тинчликнинг нақадар азий эканлигини яна бир бор англадик. Ушбу воқеа тафсилотлари ҳақида ёзарканмиз кўплаб юртдошларимиз билан суҳбатлашиб уларнинг фикрлари билан танишдик. Айниқса, касби инсонларни даволаш бўлган шифокорлар бегуноҳ одамларнинг умрига зомин бўлган шахслардан қаттиқ нафратланганликларини яширмадилар. Косонсойлик шифокорлар Олимжон Қосимов ва Адибахон Қосимовлар билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

Адибахон ўзининг фикрини шундай билдирди. - Биласизми, террористик ҳаракат қатнашчиларининг кўпчилиги ёшлар эканлиги кишини ўйлантиради. Улар ҳақида сўз кетганда аввало уларнинг оналарини кўз олдимга келтирдим. Чунки, она ҳар қандай вазиятда ҳам она-да...

Агар ушбу кимсаларнинг бирор орузси, севган касби бўлганида эди, қалби ўша эзгу меҳнати, фарзандларини келажаги билан банд бўлиб турарди. Эҳтимол бу фожиалар юз бермаган бўларди.

- Албатта-да, - рафикасининг сўзларига қўшилади Олимжон. - Адибахон тўғри

адибахоннинг отаси шифокор Абдусаттор ака Худойназаров ўзининг касб байрамида туғилган қизини "врачликка ўқитаман", - дея ният қилган экан. Оруларни бир эмас, икки бўлиб амалга оширди. Яъни, Адибахон ўзи билан ўқиган врач йигит Олимжонга турмушга чиқди.

Адибахон эса бу ҳақда фахрлининг шундай дейди:

- Отам ҳамиша: "Болам, дунёда сендан даво истаб келган беморларни даволашдан да савоб иш йўқ", - деганлар. Уларнинг ўғитларига амал қилиб кам бўлмадим. Уларга бир умр тазйимдаман.

Мустақилликка эришиб ҳар томонлама ўзлгимизни жаҳонга танитадиган давр келди. Биз фарзандларимизни ўз оталаримиздан олган ўғитларга амал қилиб тарбиялаймиз. Токи улар ҳам биздек савобли касбини эгаллашиб, юртимизга муносиб ўғил-қизлар бўлиб етишсинлар.

Дунёда Ватандек азизу муқаррам гўша йўқ, бўлмайдик ҳам. Хонадонларимизда эса келажакнинг гулу-ғунчалари бўлган фарзандларимиз бор. Ҳар кимга ҳам ўз дилбандларининг камолини кўриш насиб этсин.

Адибахон ва Олимжонлар ҳам одамлар соғлиги йўлида меҳнатдан толмасинлар.

Басира САЙИД АЛИ

ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР ЖАМФАРМАСИ ФАОЛИЯТИДАН

ФАРЗАНД БАХТИ - ЮРТ КЎРКИ

Халқимиз болажон, Мустақил юртимизнинг эртаси бўлган атак-чечак қилиб келаятган болажонлар қўлида. Шу боисдан ҳам уларнинг баркамол ва соғлом ўсишлари учун юртимизда кўплаб хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Болалар жамғармаси ҳамда Арманистон Республикасининг Норк-Мараш Кардиохирургия Маркази ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Шартномага биноан, ўзбекистонлик туғма юрак хасталиги билан оғриган 20 нафар бола марказ шифокорлари томонидан бепул даволанишлари лозим. Шулардан 3 нафари жарроҳлик йўли билан даволанишга, қолган 17 нафари эса тажрибали шифокорларнинг бепул маслаҳатларидан ва кўригидан баҳраманд бўлишди.

Юрак хасталигини жарроҳлик йўли билан даволаш бутун дунёда катта маблагни талаб қиладиган тадбирдир. Шу ўринда биз Кардиология Маркази ҳақида юртдошларимизга кенгроқ маълумот бериб ўтмоқчимиз.

1993 йили арманистонлик ва америкалик шифокорларнинг савий-ҳаракатлари билан Норк-Мараш клиникасида замонавий тиббиётнинг барча талабларига жавоб берувчи Кардиохирургия Маркази бунёд этилди. Болалар ва катталарнинг юрак хасталиқларини даволаш ва ташхис қўйиш учун Марказда барча шарт-шароит мўҳайё, шунингдек бу ерда Арманистон фуқароларидан ташқари хорижий беморларнинг даволанишлари учун ҳам қулай имконият яратилган. Марказда узоқ муддатли иш дастури ишлаб чиқилиб, амалиётга таъбиқ этилмоқда. Бугунги кунда иш давомида Марказда 800 тадан 1000 тагача юрак хасталиги жарроҳлиги ўтказилган бўлса, шуларнинг кўпчилиги қисми мураккаб жарроҳлик йўли билан амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Болалар жам-

ғармаси ва Норк-Мараш ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, юртимизнинг уч нафар жажжи фуқаролари- Абдулазиз Фатхуллаев, Рисгул Тореева, Жасур Раҳматуллаевлар жарроҳлик йўли билан Марказда даволаниб қайтишди. Биз Марказда шифо топган болаларнинг бири - Абдулазиз Фатхуллаевнинг онаси Малика Шохолдорова билан боғланиб мулоқатда бўлдик:

- Ўғлим туғилганининг эртаси кун шифокорлар унда туғма юрак хасталиги борлигини айтишди. Сўнг Абдулазиз бир ҳафта мобайнида сунъий нафас олиш йўли билан шифокорлар назоратида бўлди. Хасталик боис кўпгина шифокорлар кўригидан ўтишга тўғри келди. Узоқ текширишлардан кейин Абдулазизнинг яшашига умид борлигини билдиришди. Кейин эса шифокорларни савий-ҳаракати билан дастлаб Ўрта Осиё Тиббиёт Педиатрия олийгоҳида текширувдан ўтдик, сўнг эса Болалар жамғармаси билан боғланиб Норк-Мараш номидаги Кардиохирургия Маркази билан боғландик. Ереванда ўғлим Абдулазиз 14 кун давомида шифохонада ётиб даволанди. Биринчи кунимизнинг ўзидеёқ уни тушга қадар шифокорлар назоратидан ўтказишиб жарроҳлик столига тайёрлашди. Тушдан сўнг дарҳол операцияга олиб киришди. 3 соат давом этган бу жараён муваффақиятли кечди. Операциядан кейин 5 кун давомида Абдулазиз оғир хасталикда бўлимида шифокорларнинг қаттиқ назорати остида бўлди, унинг даволаниши Болалар жамғармаси ўртасида тузилган шартномага биноан хайрия тарзида бўлди. Шундай қилиб, 1 ёш 5 ойлик ўғлим жарроҳлик йўли билан даво топди. Марказдаги шифокорлар қайтиш чоғида уни яна б ойдан сўнг қақиртириб текшириш лозимлигини таъкидлаган, ўғлимнинг даволаниши учун барча дори-дар-



монларни бериб юборишган. Мана ҳозирда Абдулазизга ўша дориларни бераёпман. Бундан ташқари ҳар ойда шифокорлар назоратидан ўтиб турибмиз.

Биз ушбу масалага янада аниқлик киритиш учун Ўзбекистон Болалар жамғармаси раиси И.Т.Юсупова билан боғланиб, ушбу Марказнинг шаҳримизда фаолият курсатаётган бўлими хусусида сўрадик.

- Болалар жамғармасининг нияти-юртдаги барча болаларнинг соғлом ўсишларига замин яратиш. Келгуси авлоднинг баркамол ўсишини таъминлаш. Энди, ушбу Марказ ҳақида тўхталадиган бўлсак, Норк-Марашнинг Тошкентдаги вакили Римма Яралова "Мададкор" тиббий соғломлаштириш илмий-тадқиқот марказида фаолият кўрсатади. Бу марказ ҳам юртимиздаги туғма юрак хасталиги билан туғилган ва шу хасталикка йўлиққан болаларни ҳар томонлама текшириб энг оғир беморларни Норк-Мараш Марказида даволашига тавсия қилади. Маълумот учун 191-40-88 телефон рақамларига кўнғироқ қилишнингиз мумкин.

Болалар мамлакатимиз келажаги. Уларнинг соғлом бўлиб ўсиши эртанги кунимизнинг порлоқ бўлиши учун қўйилган заминдир. Шундай экан, келинлар болаларимизнинг баркамол вояга етишларини таъминлайлик.

Фарида ТОҲИРОВА, Суратда: Норк-Мараш Марказида шифо топиб қайтган нуқслик Рисгул Тореева отаси билан

ЎЗБЕКИСТОН: ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР КЎЗҒУСИДА

● Республика "Оила" илмий-амалий марказида "Ўзбек оиласининг истиқболи" мавзусида анжуман ўтказилди. Анжуманда мустақиллик йилларида давлатимиз ва ҳукумати-муҳим томондан оилани мустаҳкамлаш, фаровонлигини таъминлаш борасида катта миқёсдаги ишлар амалга ошириляётгани таъкидланди. Шунингдек, оилада маънавий ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини вужудга келтириш, оила аъзоларининг маънавий баркамоллигини, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш каби масалалар муҳокама этилди.

● Анжуманда Бош Вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломов катнашди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 15 июл кун Оқсарой қароғоҳида расмий ташриф билан мам-

лакатимизга келган Россия Федерацияси ташқи ишлар вазир Игор Ивановни қабул қилди.

● Суҳбат чоғида икки давлат ўртасида ҳамкорлик алоқалари, минтақавий, халқаро муаммоларга оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

● Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида халқаро экспертлар иштирокида "Давра суҳбати" ўтказилди.

● "Давра суҳбати"да хорижий экспертлар Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунилари моҳиятан халқаро андозаларга мослиги ва шу асосда сайловлар ўтказилиши мақсадаги мувофиқлигини эътироф этдилар.

● Қиймати 1,7 миллион АҚШ долларидан кўпроқ турадиган мурувват ёрдами- энг зарур дори-дармонлар Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги номига келди. Бу тадбирнинг ҳомийлари АҚШнинг "Қалбдан-қалбга" ноҳукумат ташкилоти, Оила врачлари академияси ва шу академиянинг жамғармасидир.

● Она ва бола муҳофазаси муҳим вазифа. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болалиқни иж-

тимой муҳофаза қилиш мажмуининг йиғилиши бўлди.

● Йиғилишни Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломов олиб борди.

● Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари оила, оналик ва болалиқни ижтимоий муҳофаза қилиш котибиятлари ҳамда мажмуа тарихига кирувчи ташкилотларнинг 1999 йилнинг олти ойи давомидаги фаолият натижалари муҳокама этилди. Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болалиқни ижтимоий муҳофаза этиш мажмуи котибиятининг муdiri Т.Норбоева шу масала ҳақида маъруза қилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам ҚАРИМОВ Га Давлат божхона қўмитаси, Божхона коллежи курсантлари Ташаккурнома йўллади. Унда жумладан шундай дейилади: "Бизнинг божхона соҳасида жаҳон андозалари талаблари даражасида билим олишимиз, жисмоний ва ҳарбий тайёргарлик кўришимиз, маънавий жиҳатдан етук инсон бўлишимиз учун қисқа давр мобайнида

барча шароитлар яратилди.

Келажакда кучли, билимли, доно фарзандлар бўлишимиз учун ҳамма имкониятларимиз мавжуд".

● Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирларининг уч томонлама учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда уч мамлакат Давлат раҳбарлари томонидан имзоланган ҳар томонлама ҳамкорлик тўғрисидаги Декларациянинг ижроси, Тожикистонда тинчлик ўрнатиш жараёнига қўмақлаштириш, террорчиликка, экстремизм, пёғхандлик ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда ўзаро ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар мулоқотларнинг бош мавзуси бўлди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг "Банкротлик тўғрисида"ги Қонуни ва "Солиқ кодекси"нинг суд идоралари амалиётида қўлланилиши масалалари муҳокама этилди.

● 19 июль кун Тошкентда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Афғонистон му-

ЧОРШАНАДАН ЧОРШАНАГАЧА

аммосини ҳал қилиш бўйича "6+2" гуруҳининг навбатдаги учрашуви бошланди. Бу гуруҳга Афғонистон билан чегарадош олти давлат - Эрон, Хитой, Покистон, Тожикистон, Туркманистон ҳамда Ўзбекистон, шунингдек, Америка Қўшма Штатлари ва Россия кирди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади. "6+2" гуруҳининг Тошкент учрашувидан мақсад Афғонистондаги мижорони тинч йўл билан ҳал этиш чораларини топшига хизмат қилади. Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши мамлакатимиз, қолаверса, бутун минтақа хавфсизлигини таъминлаш учун шароит яратди. Хавфсизлик ва барқарорлик эса тараққиётнинг энг муҳим шартидир. Анжуман ниҳоясида "Афғонистондаги мижорони тинч йўл билан барқарор этишнинг асосий тамойиллари тўғрисида"ги Тошкент Декларацияси имзоланди.

МУСТАҚИЛЛИК ВА ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ

ЭЗГУЛИК ВА ЯХШИЛИКЛАРНИ КЎЗЛАБ...

Қашқадарё вилояти, Шахрисабз тумани ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати - Ш.Алланазаров билан суҳбат



- Шухрат Ниёзович! Шахрисабзга илгарилари ҳам келганман. Бугунги Шахрисабз марказида ҳазрат Амир Темурга ўрнатилган маҳобати ҳайкал ва Оксаройнинг тикланиши, обидаларнинг таъмирланиши, шаҳарнинг яшиллангани одамни бирдай ҳайратга солади.

- Ҳазрат Амир Темур Туркистон тахтига чиққанларидан кейин киндик қони тўкилган муқаддас юрти-Кеш, яъни Шахрисабзни дунёдаги гўзал шаҳарлардан бирига айлантиришга, дунёдаги етти мўъжизанинг бирини ҳам шу ерда бунёд этишга киришди. Уша кезлардаёқ Дорил тиловат, Дорил саодат, деб аталмиш илмоғлар фаолият кўрсата бошлади. Чиндан ҳам дунёдаги етти мўъжизанинг бири бўлмиш - Оксарой қурилишига асос солинди. Кейинчалик падари бузруквори ва севимли ўғлига, ҳазратларига ёдгорлик мажмуаларини тиклатирди. Шу тариқа Кеш-Шахрисабзни дунёга маълум ва машҳур қилди. Ул зот ҳар гал сафардан қайтганларида ҳам албатта, бу шаҳарга қадам ранжида қилганлар, оталари ва ўғли, пири қабрини зиёрат этиб сўнг пойтахтга қайтганлар. Дунёдаги беш жаҳонгирнинг бири, яъни энг одили, олийжаноби, инсоният фани ва маданиятига буюк ҳисса қўшгани - Темур бобо бутун Туркистонни гуллаган юртга айлантирди. Мустақилликдан кейинги юз бераётган бугунги тараққиёт ва ривожланиш ҳам энг юқори даражага кўтарилаётир.

- Ҳўжаликларни айланиб қизгин меҳнатни, саранжомлик, саришталикни кўриб ҳаяжонландим.

- Мустақиллик бизни одобга, андишага, айни пайтда қариятларимизга жиддий қарашга, кўзбўямачилик қилмасликка ундади. Сабаби битта. Ватан ўзимизники, миллат-ўзимиз. Шахрисабз тумани худого минг бор шукрона бўлсин, ҳамма соҳада режаларини бажариб келаётир. Мустақиллик бизни лоқайдликдан ҳам халос этаётир. Бу ҳам шарафли жараён. Олдимизда халқимизнинг фаровонлигини оширишда муқаддас масала, бурч, масъулият турибди. Тараққиёт ва ривожланиш борасида тезроқ ҳисса стандартларига тенглашишимиз зарур. Фаровонликни кўтармай туриб дунёвий тараққиётга ҳам кўтарилиб бўлмайди.

- Янги қурилган корхоналар, жумладан қўшма корхоналар ҳам кишини ҳаяжонга солмай қўймайди.

- Туманимизда кичик ва ўрта ҳажмидаги корхоналар 693 тани ташкил этади. Маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар бир йилда

58 миллион 769 минг сўм фойда келтиради. "Консерва" ҳиссадорлик жамияти, "Мевалар камалаги" Ўзбекистон-Британия қўшма корхонаси ташкил этилди. Бу корхона Швеция технологияси асосида ишлаб, қоғоз халтачаларга мева шарбатини қадоқлайди. Корхона йилнинг биринчи чорагида режанинг 129 фоизини ташкил этадиган маҳсулот ишлаб чиқарди. "Сўғдиёна" - "Шахриинтернейшл" Ўзбек-Америка қўшма корхонаси юқори технология асосида аҳоли эҳтиёжи учун ўта зарур бўлган истеъмол ёғи ишлаб чиқаради. "Компас-Оқсув" Ўзбекистон қўшма корхонаси эса жунни қайта ишлаш технологиясини ўрнатиб буйича иш олиб бораётир. "Шах-Сиб" қўшма корхонаси Россиянинг Уфа шаҳридаги "Тирус" кичик корхонаси бизнинг "Наврўз", "Муҳайё" кичик корхоналаримиз билан савдо соҳасида хизмат кўрсатади. Худди шундай "Туркия-Япония-Ўзбекистон" иштиракида "Садо" ҳиссадорлик жамияти фабрикаси базасида бир йилда 4800 тонна ип-калага ишлаб чиқаришга мўлжалланган қўшма корхона тузиш бўйича режаланган ишларимиз ҳам ниҳоясига етиш арафасида. Корхона 330 одамга ишлаш имконини яратади. Шу кунларда туманимизни газ билан таъминлаш 75,5 фоизни, шаҳар бўйича эса 97 фоизни ташкил этади. Ичимлик суви билан таъминлаш туманда 83 фоизга, шаҳар бўйича 93 фоизга етказилди.

Мустақиллик шарафати билан орзу ниятларимиз ушалаётир. Қарерда хотиржамлик, тинчлик, саришталик бўлса, ўша ерда тараққиёт ва ривожланиш, яъни халқнинг турмуш тарзи ҳам юксак даражага кўтарилади.

- Академик лицейлар, касб-хунаар лицейларида янги ўқув йилга тайёргарлик қандай бораётир?

- Ишлар қизгин. Қатагон қишлоғида 900 ўринли касб-хунаар лицейи, Шахрисабз шаҳрида 825 ўринли академик лицей қурилиши бошланади. Дукчи, Хисарак ва Мироқил қишлоқларида яқин йилларда ўқув даргоҳлари қурилиши режалаштирилган.

- Шахрисабзда ёдгорликлар кўп экан. Қарерга қадам боссангиз қабр...

- Шундай бўлиб чиқаётир... яқинда ҳазрат Темурнинг оталари ва ўғиллари Жаҳонгир ётган қабристон катта йўл билан туташадиган еридан ҳам бир нечта одам суюқлари чиқибди. Маълум бўлишича ҳаммаси аёлларга мансуб экан. Суюқларни ичкарига олиб қайтадан кўмишибди. Бу ҳол мени ўйлатиб қўйди. Ер усти одамга 60 ё 100 йил Ватанлик қилади. Ер ости эса инсонга абдий Ватан... инсон тирикликда қандай улуг бўлса, эъзозланса, ўлганидан кейин ҳам шундай улуг бўлиб қолиши ва эъзозланиши керак. Буни биз ҳаммамнинг юрғига сингдиришимиз керак. Чунки ҳамма ер остига кириди. Инсон ўзи танасини хурмат қилгани каби, ўлгандан кейинги уйини ҳам қадрлаши шарт ва зарур. Ниятлар мўл, Оллоҳ насиб этса ҳаммасини ўринлатишга ҳаракат қиламиз. Асосийси-юртимизда тинчлик, осойишталик барқарор бўлсин.

- Қизиқарли суҳбатингиз учун ташаккур!

Суҳбатдош  
Ў. ҲАКИМАЛИ

Қайси эл ўзлиги, урф-одати, феъл-атвори, куй-қўшиги, тили, тарихи ва табиати ни сақлаб яшаса, бундай юрт гуллаб яшайди, асло завол кўрмайди. Яхшиямки, бу тарихий ҳақиқатни бироз кечикиб бўлса-да, англаб етдик.

Одатда, "Ватан қаердан бошланади?" - деган аёнанавий саволга туғилган маҳалданган, қишлоғиндан ёки остонангдан деб жавоб берилади. Мен эса бу саволга "Ватан-оиладан бошланади" дердим. Чунки, жамиятимизнинг бошланғич нуқтаси саналмиш ҳар бир оила ўз микро муҳитига, қувончу-ташвишларига, қобил ва ноқобил аъзолари, меҳнат сулолалари, маъқул ва номаъқул аъналарига эга.

Биламизки, еш авлод тарбиясининг бешиги ҳам оиладир. "Қуш уясида кўрганини қилади". Шунинг учун ҳам жуда кўп аллома педагоғларимиз бола тарбиясида оиланинг улушига катта аҳамият беришган. Мен бир нарсасга аминман, ўз ота-онасини, қариндош-уруғларини, бобоконларини, уларнинг яхши аъналарини хурмат қилмаган фарзанд ҳеч қачон ўзгани ҳам тан олмайди. Ва аксинча, кимки ўз ота-онаси, оила аъзоларини қадрласа, шаъни учун курашса, унинг "Ватани" ўз қобиги доирасидан чиқиб, маҳалла, қишлоқ, туман, вилоят ва мамлакат миқёси сари ўса бошлайди. Бас, шундай экан, нафақат бола, балки ҳар биримизда ўз оиламизни севмиш ҳиссини тар-

5. Оиладаги қайси қувончли кунни эслайсиз? Ким билан фахрланасиз?

27 нафар ўқувчидан 8 нафари ўз оилалари ҳақида мен кутган даражадаги тасаввурга эга бўлиб чиқди. Холос. Қолганлари мени қониқтирмади. Шундан сўнг мен ўқувчи ва уларнинг ота-оналарига оила тарихини ўрганиш, йилномаларга юритиш, оила ёдгорликларини асраб-авайлаб сақлаш ҳақидаги мулоқазатларимни айтдим ва маълум натижаларга эришдим. Лекин ҳозир гап биргина синф ёки мактаб ҳақида кетаётгани йўқ. Бу ишни бутун туман, вилоят, мамлакат миқёсида ўйлаб кўриш керак. Мен оилаларимиз тарихини яратиш ва уни бойитиб бориш учун қуйидагича тавсияларни бермоқчи эдим:

1. Хонадонингизни бирон-бир бурчидан (шафқ, тоқча, жомадон, хонтахта, этажера) оила ёдгорликлари (соат, китоб, пичоқ, ёзишмалар, орден-медаллар, тақинчоқлар, рўзгор ашёси, буюм ва ҳ.к.)ни сақлаш учун жой ажратаск. Бу эса ўзига хос митти мазийгоҳ вазифасини ўтаса.

2. "Бизнинг оила" деб аталмиш умумий дафтар юритилса ва унда оила аъзоларининг исм-шарифи, туғилган йили, қариндошлик даражаси, касб-кори қайд этилса.

3. Оила шажарасини ифодаловчи яна бир дафтар-маълумотномада

ФИКР

ОИЛА МОЗИЙГОҲИ КЕРАКМИ?

биялаш учун ишни нимадан бошламоқ керак? Мен бу саволга "оила тарихини яратишдан" деб жавоб берардим.

Қирғиз биродарларимизда "етти пуштингни билишинг керак" деган яхши бир ақида бор. Улар шунга амал қилишиб, узоқ уруғларини ҳам "танишади". Биз эса кўпинча бобо ва момоларимиз ҳақида ҳам тўлароқ маълумотга эга эмасмиз, ҳатто уларнинг қабрларини ҳам биларвермаймиз. Аждодларимиздан қолган ёдгорликлар: фотосуратлар, мукофотлар (орден, медал, фахрий ёрлик, эсдалик совға ва ҳ.к.) буюм, рўзгор анжомлари, турли ёзишмалар, табарруқ либослар ўлда-жўлда ётади ва бора-бора йўқолиб кетади. Энг ачинарлиси, ота-оналаримизнинг фидокорона меҳнати эвазига берилган орден ва медалларни кўчадан кириб келган "харидор"ларга бериб (сотиб) юборяптимиз?! Ахир булар оиламизнинг табарруқ мерослари-ку! Уларга қариндошларимизнинг қўллари текан. Наҳот шунчаликка бораск... Менимча бу оқликдан маҳжолликдан эмас, маънавиятимизни қадрлай билмаганимиздан.

Бироз илгари болаларнинг ўз оилалари ҳақидаги тасаввурларини синаш учун ўзим раҳбар бўлган синф ўқувчиларига қуйидагича саволнома тарқатган эдим:

1. Оила аъзоларингиз ҳақида нима биласиз, улар қандай меҳнат тури билан шуғулланишади?

2. Кимни кўпроқ хурмат қиласиз? Нима учун?

3. Синфдош (мактабдош)ларингиздан кимнинг оиласига ҳавас қиласиз? Нима учун?

4. Уйингизда ота-боболардан қолган қандай ёдгорликлар сақланади?

эса ўзимиз билан энг бос аждодлардан тарқалган қариндошлар сулоласи ўз аксини топади. Ахир "фалончи қариндошимиз-у, лекин қандай қариндош эканимизни билмайман-да", деган гаплар қулоққа чалинади-ку.

4. Фотосуратлар альбомини ташкил этиш.

5. "Сиз бизнинг фахримизсиз" деб номланган ҳисоботнома. Бу ерда оиланинг у ёки бу аъзосига берилган маънавий мукофотлар қайд этилиб, унда мукофотнинг гувоҳнома рақами, қай хизмати учун, қачон ва ким томонидан берилгани акс этиши мумкин.

6. Оила аъзолари ҳақида матбуотда эълон қилинган мақолалар йиғиндисини асраб бориш.

7. Шоир Н.Назруллаев тузган ва "Ўқитувчи" нашриёти томонидан чоп этилган "Оила йилномаси", "Бола йилномаси", "Келин-кувё йилномаси" каби умр, йиллар ва йўлларнинг сарҳисоби ҳисобланмиш китоблар бир оиланинг мулқига айланса.

Оила мозийгоҳи яратилишининг яна бир ижобий томони шунда бўладики, тўпланган ва эъзозлаб сақланадиган юқоридаги маълумотлар келажакда яратилиши мумкин бўлган маҳалла, қишлоқ, туман, вилоятлар мозийгоҳи учун бошланғич манбаа вазифасини ўтарди. Бундай оила "таржима холи"ни яратиш, бойитиб бориш, сақлаш ҳар биримизда ўз аждодларимизга хурмат, садоқат, фахр ҳиссини уйғотади, деб ўйлайман.

Абдулла Абдуғафуров,  
ўқувчи.

Наманган вилояти, Учкўрғон тумани.

АРЗИ ҲОЛ

ҚАРОР ҚАЧОН БАЖАРИЛАДИ?

1997 йил 27 феврал куни ўғлим А.Нодиров билан Қашқадарё вилояти, Қамашши тумани, Охунбобоев жамоа ширкати хўжалиги шартнома тузиб, бизга 17 гектар ер ажратиб берилганди. Гектаридан 16 центнердан бугдой олиш мажбурияти юкланган эди. Шартноманинг 4.2-бандига асосан, режадан ортқича олинган маҳсулот ижарачига яъни ўғлим Нодиров Акромга берилиши кўзда тутилган эди. Шартномага асосан оилавий пудратимиз аъзолари 22 тонна бугдой топширдик ва ҳосилнинг режадан ортқича ижарачига берилиши керак эди. Аммо, ораддан шунча вақт ўтган бўлишига қарамай жамоа ширкат хўжалиги раҳбарлари на бугдойни, на унинг келишилган нарҳдаги пулини бермай, бу ишдан бўйин товлаб келишмоқда. Мен бу ҳақда суд органларига ҳам мурожаат қилдим, улар ҳал қилувчи қарор ҳам чиқариб беришди. Аммо, 1999 йил 28 январда чикарилган ҳал қилувчи қарор ҳамон натижасиз.

Охириги марта шу йил 13 июн куни мен қарорнинг натижасини билиш мақсадида Қашқадарё вилоят банкининг бошлиғи И.Юнусов, Қашқадарё вилояти Марказий банк бошлиғи А.Боймуродов, шу банк бош хўқуқшуноси Умаров, Қамашши тумани Пахта банкининг бошқарувчиси муовини Э.Абраев билан учрашдим. Суҳбат асосида хўқуқшунос Умаров бизнинг шунча вақтдан буён фақат иш ҳаққимизни талаб қилаётганимизни айтиб, йиғилганларни адолатли бўлишга қақирди.

Сўнг мен иш натижасини кутдим. Ораддан шунча вақт ўтса-да, қарор ижроси бажарилмапти.

Ўзим 2-гурӯх ногирониман. Деярли ўттиз йиллик умрим меҳнатда ўтди. Биримиз икки бўларикман, деб ўғлим билан ижара пудратига ер олиб меҳнат қилдик. Буни қарангки, ўз меҳнатимиз роҳатини кўриш ўрнига кунимиз ҳаққимизни талаб қилиш билан ўтмоқда. Баъзи амалдорларнинг меҳнаткашлар тақдирига панжа орасидан қарашлари туфайли биз ҳалигача ўз ҳаққимизни ололганимиз йўқ.

Нусрат НОДИРОВ

- Кишт, кишт-ей, отинг ўчгурлар, ис-малоқни битта қўймай териб ейишибди-я, бажаролмас товуқ қилиб нима қилади шулар, минг марта айтдим, қамаб қўйинглр деб, - Нигора қўшининг товуқларини ҳайдаб, ошхонага қайтиб келса, чойнақда қуйилган сув вақир-вақир қайнар, ора-чора газ оловининг устига тўкилиб турарди. У кўк халтанинг энги билан чойнакни олиб ерга қўйди, кейин сувни нега қўйганлигини эслади.

- Ҳа-я, эсим кўрсин, овсинимнинг онаси таъзиясига палов қилмоқчи эдим, - ўйлади Нигора, у таъзиядан келганидан бери кечга палов қилиб бориш кераклиги ҳақида ўйлайди. Уйда гуруч ҳам тугаган, ёғ йўқ, бир парча қолган гўштни яшанбагача етказиши керак. Палов қилиб бормаса овсини олдида уят бўлади, одамгарчиликдан эмас.

Нигора амал-тақал қилиб бир қўшини-сидан бир кило гуруч, яна бир қўшини-сидан ёғ қарзга олди-ю, ошга уннай кетди. Паловни дамлагач, таъзияли кийимларини кийди. Махсисининг орқаси йиртилган эди, тиктиргандан бери овсини сиқадиган бўлган, ҳали қандай пиёда бориб келади.

Кийиниб чиққунча палов ҳам тайёр бўлибди, чиройли чинчи товоққа сузди, қозондаги бир бурда дастурхонинг ҳаммасини ошининг устига қўйди. Болалари гўштсиз еса ҳам ҳеч нарса қилмайди. Лекин қозонда палов озгина қолган эди. Болалари ё тўяди, ё тўймай ҳархаша қилиши аниқ. Ўзи билан эри-ку бир амаллар, ҳеч бўлмаса қора чой ичар. Шуларни ўйлаб баттар эзилган Нигора товоқдаги ошининг устига битта нон қўйиб дастурхонга ўради-ю, йўлга тушди.

Таъзияхонада одам жуда кўп эди. Дарвоза олдида чопон кийиб қўл қовуштириб турганлар орасида таниш-нотаниш одамлар келгувчиларнинг таъзияларини қабул қилиб туришибди.

- Булар ким бўлдикин, овсинимнинг акаси амалдор, балки ўшанинг қўл остида ишлайдиганлардир, - хаёлидан

ўтказди у. Йўл бўйи тизилиб турган машиналарнинг кети кўринмасди.

Бир гуруҳ аёлларга қўшилиб Нигора ҳам ховлига кирди. Узун, безатиглик хо-

лашиб, далда берган бўлди:

- Йилламанг, овсинжон, оинингиз яхши яшадилар, жойлари жаннатда бўлсин, - деди астагина кўнглини кўтарган бўлиб

ТУРМУШ САБОКЛАРИ

гора довдираб қолди. Таъзиядорлар бу хонада қолиб, аёлларни безатиглик дастурхони бошқа хонага бошлаб кирдилар. Деворлари нақшинкор, жимжимадор дарпардалар, гиламлар тўшалган каттакан хонадаги ёзиллик дастурхон сароб эди. Канд-курс, майиз, нухатдан тортиб, олма, узум, анор, бўғирсоғу, қатлама, ҳар қаерда сузилган палов қўл теккизилмаганича турибди. Улар ўтириши билан шўрва келтирилди. "Олинг, олинг" ларга қарамай бирор киши шўрвага қўл урмади. Бошқа аёллар келиши билан Нигора ҳам ўридан турди.

Ошхона олдига келса, кайвони ҳали дастурхонини бўшатмаган экан: "Бу ерда дастурхон кўп, ўзингиз топиб беринг", - деди Нигорага. Ошхонада эса ўн-ўн беш лаган палов тўлатиб ташланган, бир лаганда эса катта-катта бўлак гўшлар тўлиб ётар, бурчақда эса нон хирмондек уюлиб ташланган, ошхонанинг иккинчи томонида ҳали очилмаган дастурхонлар тахлами турарди. Улар орасидан Нигора ўз дастурхонини эўрга топди.

- Бу ёққа беринг, - зарда билан кайвони хотин дастурхонини очиб, товоқдаги ошни ўтлиб кетган ларнинг бирига ағдарди, ёғли лагга билан товоқни арди-да, дастурхонга ўраб Нигорага тўтқазди.

Қарз-хавола қилиб, болаларига едирмай қилиб келган паловини бу қадр бекадр бўлганлигини, нобудгарчиликни кўрган Нигоранинг кўзларига ёш тўлган эди.

Дастурхонни тўтқазган кайвони хотин бу кўз ёшларни бошқача тушушди шекли, Нигорахонга далда берган бўлди:

- Йилламанг, айланай, кудабингиз ошини ошаб, ёшини яшад...

**Махфират АТОВА,**  
Бухоро вилояти,  
Ромитан тумани



НИГОРАНИНГ КЎЗ ЁШЛАРИ

надаги оппоқ рўмолларга ўралган таъзиядорларнинг йиғи-сигиларидан боши айланиб кетди. Улар билан бир-бир кўришиб чиқди. Овсини олдига келгач, қучоқ-

- Йўқ, йўқ, онам яхши яшамадилар, яхши кунларимизни кўрмай кетдилар, - фарёд кўтарди овсини.

Айтган гапига пушаймон бўлган Ни-


- Болани ҳадеб ураверсанг, эти қотади, безбет бўлиб ўсади, - дейди қишлоғимиздаги баъзи қариялар ва шундай бир воқеани мисол қилиб келтиришади: Солиа деган аёл ўғлини бўлар-бўлмасга қаргаб ураверарди. Бир кунни шу аёлнинг кўп йиллар кўришмай кетган дугонаси меҳмон бўлиб келди.

"Қайнонамдан ёдгорлик эди-я, шу чойнак. Ўзимни тутолмасдан мен ўлай..." дея кўзига ёш олади аёл. Уларни кузатиб ўтирган меҳмон аёл дугонасига ачиниб дейди: - Ўғлингизни уриб-қаргайвериб этини қотириб юборибсиз. Энди яхши сўз билан йўлга солмасангиз, улгайса бунданам бешбаттар бўлади, айланай!

- Бола деган нарсани гоҳо уриб ҳам туриш керак, калтакни ҳам билиб ўссин, - дейиша-

БОЛАНИ ҲАДЕБ УРАВЕРСАНГ...

ди. Келини ошхонада куйиб-пишиб овқат тайёрлаётганда. Шу пайт кўчадан ўғли кириб қолади. "Янган ҳозир овқат сузади, саглар тайёрлаётди, ичкаридан тарелкаларни обчиқиб бер", дейди аёл ўғлига. Ўғил бу гапни эшитмаганга олади-да, кўча томонга юради. Шунда аёл ёнида чой ичиниб ўтирган меҳмондан хижолат тортади ва бориб ўғлининг қулогидан қаттиқ чўзиб: "Нега айтганимни қилмайсан, бор тарелкаларни обчиқ!" - дейди. Ўғил қулогини ушлаб шоша-пиша уй ичига киради ва бир даста тарелкани жаҳл билан обчиқайтиб қоқилиб кетади.



- Вой, сенига улгур, ҳали ҳеч иш қилмай шунча тарелканинг бошига етдинг-а, ҳозир сенинг ҳам бошингни... Шундай дейдию, аёл дастурхонда турган пахта гулли чойнакни ўғли томонга улоқтиради. Чойнак гиштли деворга тегиб чил-чил бўлади. Ўғил кўчага қараб қочади. Бир даста тарелка сингани бир бўлдию, битта асл чойнак сингани бир бўлди.

ди айрим қариялар ва яна шундай бир воқеани баён этадилар: - Шодибек оилада ёлғиз ўғил, ота-онаси уни авайлаб, папалаб ўстирганди. Бир кунни нимадир бўлиб у қўшни бола билан муштлашиб қайтади. Кечкурун қўшни эркак ҳаммаёғи моматалоқ бўлиб кетган ўғлини етаклаб кира-

ЎЗБЕК ФЕЪЛИ

ди ва уй эгасига: "Сиз ўғлингизга дурустроқ тарбия берсангиз бўлмайди-ми!", деб ўширади. Ота ўзининг камситилганини сезиб қўшини олдида Шодибекнинг юз-кўзига шапалоқ тортиб юборади. Умирида биринчи марта калтак еган Шодибек шу кунни уйига қайтмайди.

"Ўртоқлариникида менга жаҳл қилиб юргандир", дейди ота. Лекин, эртасига ҳам ўғил уйга келмайди. Ота бутун қишлоқ ичини қидириб чиқади. Ўғил йўқ. Ҳамма оёққа туради. Уч кундан сўнг қишлоқ йигитлари Шодибекни вокзалдан тутиб келишади. "Нега бундай қилдинг?" дейишади унга. "Отам урди!", дейди Шодибек. "Ие, ота бўлгандан кейин уради-да!", деб қулишади ён-атрофдагилар.

Хуллас, болани калтаклаб туриш ёки урмасдан ўстириш ҳақида гап кетса, шу икки воқеа қайта-қайта тилга олинаваради. Бир кунни ёши тўксондан ҳам ошиб кетган бир бобо айтдилар: - Аждодларимиз болани калтакламасдан, фақат яхши сўз айтиб, ширин муомила билан ўстиришган! "Яхши гап билан илон инидан чиқар", деб бежизга айтмаганлар ахир, болаларим! Менимча кўпни кўрган шу табаруқ бобонинг гапларида ҳақиқат бордай. Шундай эмасми?!

Сайёра БЕКМИРЗАЕВА

ДИЛ ИЗҲОРИ

АДАЖОНИМ-ДУГОНАМНИНГ ҲАМ АДАСИ ЭКАН...

Отам мен туғилганимда ташлаб кетган экан. Сабабини эса билма олмаганман. Онам шундан кейин отамни бошқа кўрмаган. Мен катта ҳам бўлдим. Эшим 16 га тўлганда айни дўст-дугоналар орттирадиган вақтда мен маҳалламиздан 2 маҳалла нарида турадиган бир қиз билан танишдим. Унинг исми Санобар, ёши 15 да. Биз Санобар билан шунчалик яқин бўлиб кетдикки, худди опа-сингиллар каби. Санобар доимо бизнинг уйга келар эди. Мен эса сира уларнинг уйига бормаган эдим. Биринчи бор Санобарнинг уйига борганимда дугонам мени меҳрибон, севимли отаси билан таништирди. Биласизми отаси билан гаплашиб ўтириб менга шундай тўшдики, бу инсонни олдиндан танийдигандай эдим. Лекин эслай олмас эдим. Уларнинг уйда ўтирганимда Санобарнинг адаси менинг адалларни сўради. Мен эса гапимни кўзларимни беркитиб: "Адажоним йўқ, лекин мен у кишини барибир излаб топаман," деб йўғлаб юбордим. Шунда Санобарнинг адаси йўғламанг агар қизим бўлмаганда, ўзим сизга оталик қилар эдим деди. Мен эса сапчиб жойимдан туриб керак эмас, ўзимнинг адажоним бор, деб қичиб кетдим.

ган бўлдим. Биласизми одамга жуда оғир ботар экан. Чунки, у сенинг отангу лекин ота дегўлмайсан. Бир дақиқа бағрига бошингни қўйиб: "Отажон, билсангиз эди, сизни қанчалар ухламай кутганларим, соғинганимни, нолаларим-Оллоҳим эшитибди, сизни топдим, энди ҳеч қачон мени ташлаб кетмайсиз отажон, - дегим келар эди, лекин айтолмас эдим.

31 июл туғилган куним - 17 ёшга тўлганимда отажонимнинг уйларига бордим. Борсам Санобар уйда йўқ экан. Адаси эса уйда эди. Ўзимни тутта олмадим: "Адажон, мени бағрингизга олинг, роппа-роса 17 йил илгари мени йўқотган эдингиз. Мана мен сизни топдим, сиз хурсандисиз, адажон", - дедим. Лекин адажоним ўғирлиги қараб: "Мени иккинчи қизим йўқ", - деди. Мен эса, "Йўқ адажон, мен биринчи қизингизман", - дедим. У менга қараб: "Кечирасан, агар мабодо менинг қизим бўлсанг, бугундан бошлаб ўлгансан", - деди.

Шу бир оғиз сўзни эшитдимю ҳаётим ағдар-тўнтар бўлиб кетди. Чунки мен адажонимнинг учра-тишни қанчалар орзу қилган эдим, энди эса... Наҳотки тирик инсонни ўлган деса? "Наҳотки отажон, менга айтадиган бир оғиз ширин сўзингиз йўқ эди?" Отажоним менга "Ўлдинг", дегандан кейин мен уларнинг уйига бормамай қўйдим. Чунки менга ўхшаб Санобар ҳам йўғламасин дунёда. "Санобар, билламан, бу газета сенинг севилики газетанг. Агар шу мактубимни ўқиб турган бўлсанг, мени кечир, сenga ҳеч нарса айтмай кетиб қолганимга. Санобар, сен менинг синглим эканлигингни билди бошим омонга етди, лекин охижа опангни кечир, синглим. Сени жуда яхши кўраман, лекин иложимга мажбур қилган инсон адажоним - дугонамнинг адаси эди. Шундан бошлаб мен уларнинг уйига тез-тез бориб туради-

Наҳида

Мақолани ўқиб титроққа тушдим. Бехрузга албатта мактуб ёзаман, дея кўлимга қалам олишга мажбур бўлдим.

Бехрузжон! Сиз эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаяпсиз. Турмушнинг аччиқ-чучуғидан хабарингиз йўқ. Ҳаёт сиз ўйланганчалик энгил эмаслигини бошингизга иш тушгач билгандингиз. Сизни ота-онангиз анчагина бўш қўйишган экан. Кечирасиз, сизда ҳамма нарса доим тайёр бўлган, шунга ўргангансиз... Аммо, сизда мен тантилик, олий-жаноблик кўрмаяпман. Яхши ҳамки, виждонингиз уйғоқ экан, вақтида ёрдам сўрабсиз мухлислардан.

Укажон, бу беш кунлик дунёда ҳамма нарса омонат. Ҳеч ким бу дунёга устун бўлмаган. Сиз Мадинани болалигингиздан биларкансиз, ёшлиқдан бирга ўсган экансиз, "ўша кечаси" у-ку, сизга ишониб аҳмоқлик қилибди, сизни ақлингиз қаерда эди? Уям майли, у билан гаплашиб юриб (ёқтирмаганингизда орқасидан қидириб бормасдингиз!), нега синфдоши бўлганан йигит билан гаплашишига йўл қўйдингиз,

ахир у сизга бегона эмасди-ку? Сиз қилар ишни қилиб қўйиб, ташлаб кетаман, бу ишдан ҳеч кимнинг хабари йўқ деб гумон қилгандингиз. Аммо, ҳамма нарсани қўриб, билиб тургувчи зот-Аллоҳ сизни қилмишингизга яраша жазолади. Сизга ҳаёт буюк неъматини тортиқ этди. Сиз Мадинадан қанчалик қочманг, унга уйланиш қисматингизда бор экан ва сиз бунга мажбурсиз. Ахир, бегуноҳ гўдак ҳар икки томон розилиги асосида Аллоҳ гувоҳлигида пай-

қарай оласизми? Мадинанинг ота-онаси норасида қизларини йўлдан оздирганингиз учун (Мадинани сиз тақлиф қилгансиз меҳмондорчилик) сизни ва уйингиздагиларни соғ қўйишармикан? Дейлик, сиз ягона ўғилсиз, қайсидир йўллар билан тўсиқларни энгиб чиқиб кетдингиз. Аммо, Худо сизнинг қилмишингизни кечирармикан? Ўз фарзандингиздан кечиб (аборт қилдириб, Аллоҳнинг иродасига қарши чиқиб) вақти-соати етган яна қайси тил ва дил би-

ҳақкингиз йўқ! Нигорани бахтли бўлсин десангиз, унга бахт тиланг-да, орани очик қилинг. Сиз унга номуносибсиз! У уддабурон экан, ўз йўлини топиб олар. Сиз эса отасиз, фарзандингизни ташлаб кетолмайсиз. Узингиз ўйланг ахир, қайси қиз бахтини поймаол қилган инсондан розилик билан воз кечади... Бахт деб аталмиш саодат қасрини қуролмаган, сиз туфайли номусидан айрилган Мадина сиздан осонликча кечмаса қорак... Агар Мадинани ташлаб кетсангиз бир умр қарғиш, таққи лаънатга қоласиз... Бу дунё - қайтар дунё. Ҳар бир қилмишингиз учун эртага жавоб бера-

## ҚОН ГАПИРМАС, ҚАРҒИШ ТЕГМАЙ ҚОЛМАС

«ЧОРА ТОПОЛМАЙ ҚОЛДИМ» - 24-сон

до бўлди, унинг томирида сизнинг қонингиз оқмоқда. Қон ёмон нарса. У гапирмайди, лекин тортади. Наҳотки, сиз ўз пуштикамарингиздан бўлган жажжи гўдакни жонига қасд қилсангиз, фарзандингизнинг қотилига айлансангиз? Кейин-чи, ишинг охирини ҳеч ўйладингизми? Ахир, Мадиналарнинг оиласи сизнинг оилангиз аъзолари билан дўст-ку... Кейинчалик сиз уларнинг юзига тик

лан Аллоҳдан фарзанд сўрайсиз? Нигорани қисқа муддат ичида ёқтириб, севиб қолибсиз. У билан "ширин орузлар оғушида хаёл сурганингизда" бундан атиги икки ой аввал Мадина билан хаёл сурганларингиз нечүк ёдингизга тушмади, Бехрузжон? Аллоҳ Нигорани пешонангизга ёзмаган экан, сиз ундан воз кечишингиз керак. Болани рад этишга ҳақкингиз йўқ, биласизми,

сиз. Билмадим, қанчалик гапларини оласиз - ихтиёр сизда. Тилагим - қарғишга қолманг. Бировнинг бахтсизлиги ҳеч қачон яхшилиқ келтирмаган. Кейин афсусланиб қолманг. Чунки, қон гапирмаса-да, бир кун уриши, қарғиш эса тегishi айна ҳақиқат.

МУНИСА,  
Тошкент вилояти.

## ОТА-ОНА БАХТИ ФАРЗАНДИНИ БАХТИЁР КҮРИШДА ЭМАСМИ?

«КҮНЛИМНИ ТУШУНИШМАЯПТИ»-22-сон

Фарғоналик Музаффаржон! Сизнинг дил изҳорингиздаги "Ўз ота-онам мени тушунмаяпти. Шу қизга уйланасан" деб уриб сўқди, ҳар хил қийноқларга солди. "Агар шу қизга уйланмасанг, сени оқ қиламан" - деб айтди, деган сўзларингиз 7 фарзандинг оиласи бўлганлигим учун мени ҳам ҳаяжонга солди.

Агар ўша дадангизнинг ўртоғини қизи боши очик бўлгандаям бир гап эди: унга уйлансангиз бўларди. Чунки сиз бирор кимсани севишингиз ҳақида гапирмагансиз. Ахир: "Сизга турмушга чиққан куним ўзимни ўлдираман", - деганидан сўнг ҳам унга уйланишингиз ҳақида гап бўлиши мумкин эмас-ку! Наҳотки отангиз ҳаётнинг паст-баландига тушунган, олий маълумотли бўла туриб, шунга ақллари етмаса. Фарзандни бўлар-бўлмасга "оқ қиламан" деб таъйик остига олаверши, уриб-сўқishi қонунчилигимизга ҳам тўғри келмайди-ку! Суф бундай отага. Ҳаёт ўйинчоқ эмаски, қайта- қайта уйланаверишга.

Ёшлари нечадалигини билмайману, аммо уйланиш даражасидаги йигитни воёга етказган ота мулоҳаза билан иш тутса бўларди. Ҳеч бўлмаса ўша ўртоғининг қизи Нўъмонжонни севиши, у билан аҳди-паймони борлигини инобатга олиб ўз фикридан қайтиши керак эди. Акс ҳолда турмуш турмуш эмас, мушт бўлиши аниқ. Агар ўша қизга уйланишга розилик берсангиз, ошик йигит билан сизнинг ўртангизда низо чиқиши аниқ. Наҳотки, отангиз шуни англаб етмайдилар.

Минг афсуски ҳозирда сиз уйдан чиқиб кетиб, меҳмонхоналарда кун ўтказаятган эмисиз.

Музаффаржон, уйдан кетиш ўрнига оилангиз даврасидаги обрўроқ катталарга ёки маҳалланинг тушунган онахон-отaxonларига маслаҳат солсангиз бўларди-ку! Отангизни муросага келтиришармиди.

Эҳ, Музаффарнинг отажониси!!! Сиз "Дўстинг учун заҳар ют" қабилида иш тутибсиз-да, ўғлингизга жабр қилибсиз. Бу билан ўша дўстингизга дўстлик эмас, душманлик қилган бўласиз-ку!

Шундай дўстларни биламан: эси оққан қизини дўстининг ўлига зўрлаб бериб, тўйдан сўнг бир-бирига хундор душман бўлиб қолишган. Қизини давоятмай, касалини яшириб узатгач, тўйдан сўнг руҳий касаллиги ошкор бўлиб, ёшлар акрашиб кетишган, сир эмаски, дўстлар ҳам бир-биридан жудо бўлган. Ўртада иккала оиланинг мол-дунёси елга соврилган. Ёшлар эса бахтдан бенасиб бўлган. Бундай кунни Оллоҳ ҳеч қайси ота-онанинг бошига солмасин.

Менимча, фарзандлар ўзи ёқтирганими, ёки ота-она истагига кўра ўзига муносиби билан қовунаса, ёшларнинг бахти оиланинг бахтини таъминлайди.

Қайсарлик, асаббузарлик яхши ота-оналар феъллиги ҳос эмас.

Афифа Ҳасан қизи,  
Тошкент.

## СИЗ МУТЛАҚО ҲАҚСИЗ

«ДАДА ДЕГАН СЎЗНИ СИРА АЙТМАЙМАН»-26-сон

Ҳурматли Н... опа! Биламан, ёшим сиздан кичик, лекин бир-икки маслаҳатим бор. Дил изҳорингизни ўқиб сизга раҳим келди. Сизларни бу қадар қийноққа солгучи дадангизни одатларини билганлар қўшилиб лаънатласа арзийди.

Отангизга шу ўринда тасанно айтиб ўтмасак бўлмас керак. Дадажонингизнинг шунча бағри тошликларига чидаб келибдилар. Ахир 20 йил ҳазила-лакам гап эмас-ку. Айниқса ҳозиргилар 1-2 йилга ҳам чидай олмай ажрашиб кетаётган пайтда. Укаларингиз, синглингнингиз ҳолига ҳам ачинмай бўлмайди. Наҳотки бу ота бир мартаба бўлса ҳам болаларини, хотинини ҳаётини ўйламаса. Дадангизни "олий маълумотли" деб ёзибсиз. Билимли бўла туриб бу инсон сизларга бунчалар захрини сочмаса? Хафа бўлмангу (менимча сира ҳам хафа бўлмасангиз керак) мен падари бузруквор деган номга лойиқ деб билмайман дадангизни.

Шу ўринда ўзимнинг дадам ҳақида ҳам айтиб ўтсам. Биз фарзандлар кўпчиликмиз, 5 ўғил, 2 қиз. Отанинг соғлиги яхши бўлмаса ҳам тонг сахардан ишга чиқиб кетади. Кира қилгани. Қайтгач жаҳл чиқиб турган бўлса онамга тўхмат тошларини ёғдиради. Эмишчи, унга кўп фарзанд керак эмас эмиш. 3 таси етарди, дея ҳар кунни қаердаги бўлмағур гапларни гапиради. Айниқса, сен эшак хотинни ақлинг бўлганда эди, 3 тасидан ортигини туғмасдинг. Уйлаб иш қилиш керак эди. "Итга ўхшаб туғиб ташлайвермай", деган гапларидан онам қийналиб кетади. Худди онам бизни (кўпол бўлса ҳам айтаман) кўчадан ортириб келгандай гапиради бу гапларни. Мен уйда бешинчи фарзандман. Шу оилада яшасам ҳам ўзимни ортиқчалигим сезилиб туради. Мендан кейинги укам ва синглим ҳали ёш, улар бу гапларни тушунмайди. Менда отамга бўлган меҳр асло қолмаган. Бу хонадондан қочиб кетгим келади. Лекин қаёққа ҳам бораман. Отанинг бизга қараб бақириб гапиршларини, сўкишларига чидай олмайман. У шундай гапларни айтадики, уларни эшитгандан кўра, мени уриб ўлдириб қўйгани афзалроқ эди, деб биламан.

Қалбимда отамга нисбатан доим бир қаҳрли "мен сени кўришга кўзим йўқ", деган сўз ётади. Ҳа, уни кўришга кўзим йўқ. Шундай бўлса-да, у уч фарзанди учун меҳрибон ота. Шунинг учун ҳам мен ёмон кўришимни бировга билдирмайман. Отамга айтадиган гапларим бор: "Отажон, бизларни фарзанд қилиб боқишни хоҳламан экансиз, нега туғилишимизга сабабчи бўлдингиз? Сиздек отадан ор қиламан. Мен бу дунёга келганимдан эмас, сизнинг фарзандингиз бўлиб туғилганим учун пушаймонман. Ахир бошқалар тирноққа зор-ку. Наҳотки болалари бозор эканлигини билмасангиз. Эссиз..."

Мана Н. опа, сиз ҳам менинг аҳволимдан хабардор бўлдингиз. Сизнинг қисматингиз мендан оғирроқ эканлигини биламан. Шунинг учун сизга ва ўзимга Худодан сабр сўрайман. Илоҳим ҳеч ким бундай оталарга учрамасин. Отаман деб оталик қила олмайётган оталарга Худо инсоф берсин.

Тошкентлик укангиз,

С.

## КЕРАК ЭМАС ШАҲЛО КЎЗЛАРИНГ...

«Кейин хиёнат қилмасмикин» - 19-сон

Тенгдошим Зухриддин, аввалам бор Сизга раҳмат. Севимли газетамиз "Оила ва жамият" муштарийларидан маслаҳат сўраб тўғри қилибсиз. Қолаверса бизга ўқшган қанча мухлислар ўз маслаҳатларини аямийдилар.

Шухрат дўстингиз ўша севган қизи билан келгусида ўз ҳаётини боғламоқчи эканлигини билдирибсиз. Бу тўғрида менинг фикрим, маслаҳатим қуйидагича:

1. Шухрат дўстингиз у қиз билан турмуш қурди дейлик, фақат бир кун келиб пушаймон бўлмасмиканман, деган мулоҳазагина унга тинчлик бермаётганлигини билдирибсиз. Бу тўғри фикр.

2. Хўш, йигит ўша севган қизи билан турмуш қурди дейлик. Лекин, турмушдан кейинги йиллар давомида оилада икки-чиқир ёки айрим нарса, жиҳоз, харажат, етишмаслик пайларга бўлади, жаҳл чиқари ва кичик жанжаллар чиқиб кетиши мумкин. Бундай ҳолларда ортда қолган "тутун" аланга олади ва ниҳоят ўша севган қизга турмушдан олдинги "воқеа"ни эслатишга мажбур бўлади. Шундай қилиб ўртадаги \*соф\* севги ошқор бўлади.

3. Шухрат ва унинг севгилиси ўртасидаги севгидан олдин қиз \*бир кимса\*ни севгани сабаб, қиз бекордан-бекорга ўз иффатини осонгина бермайдику. Ахир \*кимса\* уни шу ишга мажбурламагандир.

Қиз Шухратни севгани билан бахтли қила олмайди, чунки, ўша \*иффатли\* қиз ҳаёт лаззатини \*кимса\*дан тотиб кўрган ва бир умрга эсидан чиқармайди.

Энди Зухриддин, Сизга бу тўғрида берадиган маслаҳатим кўп, лекин, ҳаммасини бу хатда кўрсатиш қийинроқ. Тўғриси айтиладиган бўлсам худди шундай воқеа 19 ёшимда менинг ҳаётимда ҳам бўлиб ўтди. Мана 1997 йил сентябр ойнада турмуш қурдим, ҳозир бахтли ҳаёт кечираяпман. Чунки, турмуш ўртоғим мени билади ва тушунади, ҳурмат қилади. Мен эса уни ҳурмат қиламан. Ўртада келиб чиққан севгимизга чироқ-туғилган фарзандим-яни қизчам бўлади. Оллоҳга минг бор шукр қизчам бир ёшга етай деб қолди. Ишга кетаётганимда онаси билан кўзатиб хайрлашиб қолади ва келишим билан олдимга чиқиб кутиб оладилар. Орқанда қолиб кетган \*воқеа\*лар Шухрат дўстингиз севгилисига ўқшаган "иффатли" қиз онда-сонда эсга тушади. Барибир ҳозирги ҳаётимни ўридли деб биламан. Шунинг учун дўстингиз Шухратга айтинг, турмуш қуриш бу умр савдоси. Ҳозирда севиб севилгани билан ўзи бир умрга ушбу воқеаларни ўйлаб азоб чекади. Имконият бўлса ички дунёси тўзал ва бой, тушунадиган ақалли бир қиз билан танишиб турмуш қурсини, \*иффатли\* қиздан узоқроқ яшасин.

Агар маслаҳатим кўнглига малол келса мени кечирсин, ўз фикрини ўзгартирмай қўя қолсин.

Сардорбек 25-ёшда.  
Хоразм вилояти,  
Урганч шаҳри.

ТАБРИКЛАР ВА ЭЪЛОЛАР

**Азиз бувижонимиз МАЪМУРА!**

Сизни 66 ёшингиз билан чин қалбдан табриклаймиз. Бизнинг бахтимизга умрингиз узоқ бўсин. Тўйларимизга бош, ошламизга қуёш бўлиб юринг.

**Барча набираларингиз**

**Онажонимиз ГУЛРОХОНИ!**

Таваллуд кунингиз муборак. Сизга соғлиқ, бахт тилаб,

**қизингиз Роҳатой, куёвингиз Тўлқин, кудаларингиз Шавкат, Муҳаббат**

**Хурматли Равшанон ака!**

Сизни 30 ёшга, ўглингиз Суннатиллани 2 ёшга тўлиши билан табриклаймиз. Сизга узоқ-умр, санъат фаолиятингизда, ишларингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

**Дўстингиз Баҳодир.**

**«ДИЛОРОМ» ўқув маркази таклиф этади:**

2 ойлик:

1. Компьютер билимлари.
2. Замонавий бухгалтерия ҳисоби
3. Зардўзлик - бухгалтерча
4. Тиқш-бичиш, моделлаштириш.
5. Аёллар устки кийимларни тиқш-бичиш, моделлаштириш.

3 ойлик:

1. Компьютерда бухгалтерия ҳисоби
2. Инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун)

Манзил: Абай кўчаси, 4 "А"-уй, 1-кават, 115-хона  
Тел: 144-58-34; 58-48-50.  
Мўлжал: "Алишер Навоий" метро бекати.

**ЭЪЛОН**

"Агротахлил" аудит фирмасига Давлат статистика кўмитаси томонидан 19 апрел 1996 йилда берилган № 912-сонли гувоҳнома йўқотилганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**ЯХШИЛАРДАН СЎЗ ОЧДИК**

**ХАР КИМ ШУНДАЙ ЯШАСИН**



Умрларини безавол ўтказган инсонлар ҳақида ҳамisha дил сўзларингни айтгинг келади. Кекса санъаткор, журналист, қарийб эллик йилдан буён қатор мақола, ҳажвий асарлари билан матбуотда қатнашиб келадиган Абдулла Толипов мазмунли умр кечирди. У турмуш ўртоғи Мастура опа билан 5 нафар фарзандни оқ юмб, оқ тараб эл қаторига қўшди. Ота ўғилларига: "Ҳамиша тўғри сўз, ҳалол бўл, одамлар меҳнатидан қочма, кам бўлмайсан", - деб ўргатса, она қизларига "Борган жойингда униб-ўсгин, отанг уйига фақат меҳмон бўлиб келгин", - деб ўқтирди. Шу боис болалар ҳам ўзларидан тиниб-тиничди, кўлайди.

Биз сўзимиз бошида Абдулла акани бежиз санъаткор деб атамадик. Чунки унинг қўлига тушган хоҳ доира, хоҳ ноғора бўлсин муҳлисларни қувнатади, керак бўлса йиғлатади. Мана ота 63 Пайгамбар ёшига етибдики тинимсиз меҳнатда, изланишда.

Ҳа, Абдулла ака бугунги кунда ҳам набираларига, қолаверса "Жангоҳ" маҳалласи аҳлининг фарзандларига ўз санъатини ўргатишдан чарчамайди. Биз бугун Абдулла акани чин юракдан муборакбод этарканмиз, соғлиқ-саломатлик тилаймиз.

**Севара ЖҲРАЕВА**

Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги академик лицей 1999-2000 ўқув йили учун танлов асосида қабул эълон қилади.

Лицейга Республикадаги мактабларнинг 9-синфини тугатган ҳамда техника соҳасига қизиққан иқтидорли ўқувчилар қабул қилинади.

**Хужжатлар 1999 йилнинг 15 августига қабул қилинади.**

Академик лицейга физика-математика ва иқтисодиёт йўналишлари бўйича ўқувчилар ТЕСТ-сinovлари асосида қабул қилинади. Қабул махсус жадвал асосида 16 августдан 20 августигача ўтказилади.

Академик лицейда математика, физика, информатика ва инглиз тили фанлари махсус дастур асосида чуқур ўргатилади. Машгулотларни институтнинг ва лицейнинг тажрибали профессор-ўқитувчилари олиб боради.

Виллоятлардан келган талабалар яшаш жойи билан таъминланади.

**Лицейга кирувчилар қуйидаги хужжатларни топширадилар:**

1. Директор номига ариза.
2. Маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома.
3. Худудий касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик таъхис маркази тавсияномаси (туман халқ маориф бўлимидан олинди).
4. Яшаш жойидан маълумотнома.
5. 086-У шаклидаги тиббий маълумотнома.
6. 3-4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат.
7. Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома шахсан қилинади.

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
Тошкент шаҳри, 700100,  
Шоҳжаҳон кўчаси 5-уй (4-бино)  
Тел: 53-64-19

**ҚАЛБИНИГИЗ ГУЛАДАРВЕК ГҲЗАА БҲАСА...**

Тонг отиши билан дала йўлларини босиб ўтиб, Шаҳрисабз тош саралаш комбинатига йўл олдим. Комбинатнинг ҳовлисидаги гуллардан кўз узолмайсиз. Ҳамма ёқ озода, сувлар сепилган. Гулзордан гул узаётган боғбон билан саломлашиб, корхона раҳбари Комил Очиловни сўрадим.

- Улар барвақт келиб цехларни, боғларни бир айланаб чиқади. Ҳозир келиб қолса керак, - деди у.

- Мендан олдин ишлаганлар сув қувурларига пона қоқиб сувни кўмиб ташлашган экан. Анорзор, узумзорлар пайхон бўлиб, гулзорларни ажрик босиб кетганди. Мен ерни қазиб, қидириб сув қувурини топдим. Сўнг кетмонни олиб кузу қиш тинмадим. Ерларни ажриқдан тозаладим. Узум ва анорларни парваришладим. Ташландик ерни ҳайдаб арпа экдим. Шукр, боғ бу йил анча ўзини тутиб мевага кирди. Боғнинг айланасига 500 тул калифорния терагидан экдим.

- Бу ердан олинган ҳосилни қаерга топширасиз? - дея қизикаман.

- Фалла ўзимизга қолади. Помидор, анор, узумдан корхона ошхонасига берамиз. Сиз кўриб турган гулларнинг ҳаммаси ишчи-хизматчиларга бепул берилади.

Шу пайт келиб қолган корхона раҳбари Комил Очилов билан цехларни биргалликда айландик. Йўлда учратган

кишини корхонанинг бош муҳандиси Анатолий Пенчук, дея таништирди. - Булар кечаси билан ишлашиб, тош майдалайдиган дастгоҳимизни таъмирлашибди азаматлар.

- Бу ишчиларимиз корхонамизнинг фахри, - дейди раҳбар. - Кўпайсин Рашидов, Қувват Абдурахмонов, Флора Лединова ва Саид Каримовлар шулар жумласидан. Улар нафақат ишда балки меҳнатга бўлган муносабатлари намунали ютуқлари билан ҳам бошқаларга ўрнак.

Комилжон ака корхонасидаги 474 нафар ишчи-хизматчига вақтида маош беришини, зиммасидаги давлат режаларини бажаришиб, уларни ижтимоий муҳофазалаш учун катта ишлар қилишадиганини сўзлади.

- **Комил ака, жамоангиз меҳнаткаш ва аҳил, иш жойларингиз озода экан. Яна мана бу гулларни айтмайсизми, -** дедим ҳавас билан.

- Ҳа, - деди раҳбар ўйчанлик билан. - Ахир бу ерда одамлар узлуксиз ишлайди. Гуллар эса... Одамлар қалбини гўзал қилади. Менга қолса юртимизнинг ҳар бир қаричини гуллар билан тўлдирган бўлардим. Чўнки гулларни, гўзалликни суйган инсонларнинг кўнглида ёвузликка ўрин бўлмайди...

**И.САТТОРОВ**

**МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ НОВОЙИНИ УРГАНАМИЗ**

Шоирлар ёмон шеърни ҳам ўз истеъодлари фарзандидек яхши кўрганлари каби одам боласи ўз хатосини ҳам маъқул билади ва ёмон хулқи фарзандини ҳам одобли санайди. Бу ҳар иккиси ҳам инсон табиатида хосдир. Зеро, бу иккаласи ҳам - унинг ўзи яратган нарсадир... Фақат оқил одамларгина бу жиҳатларни ўзларига одат қилмайдилар...

Бачканалик қилгувчи қария-балогатга етмаган болага ўхшайди. Кичик ёшдагилар катталар қилигини қилса, бу унда ақл ҳамда уят йўқлигига далилдир.

Эркак киши ўзига ортик даражада зеб бериб ясантсан қилса, ақли одамларнинг назаридан тушади...

Бой одамнинг бўз чопон кийгани-камбағалнинг атлас чопон кийганига ўхшайди.

Билиб қўй: ҳўжайин, суюкли хотини бўла туриб, чўри қизга айланмиша, хотинининг иффатли этагини останадаги қўл бўлгайди.

Илм олиб, унга амал қилмаган киши-ерни ҳайдаб, уруғ сепмаган ёки уруғ сепиб ҳосил кўтармаган кишига ўхшайди.

Олим киши бир жохилни қаршисига ўтказиб қўйиб, уни мулзам қила бошласа, билки, бу олимлик учун

ҳақоратдур. Илло, гавҳарни синаб кўриш учун тошга урмайдилар.

Маст одамнинг сўзига жавоб бериш - ақли одамнинг ишимас.

Маснавий:

**Кесақ оттанга ким мушт кўтарди, Соқоли юлиниб, чопонсиз қолди.**

Зўр душманинг мағлуб бўлса-шодлана. Ҳадеб ҳазил қилавериндан ҳурматсизлик ортади: бундай ҳазилнинг охири жанжалга олиб келади. Ва кўп ҳазиллашш - номусу ҳаё пардасини чок этади.

Қарилар касб-хунар қила олмай муҳтожликка тушиб қолсалар, уларга раҳм-шафқат қилишга шошил. Лекин тиланчи йигит кетмон чопа олса-ю, қўлини чўзса, унга эҳсон қилмок- исроф қилмокдир.

Ҳар бир давлатманд одам тирлигида ҳайр-эхсон қилиб, кишиларни хурсанд этмаса, ултанидан кейин ҳеч ким уни дуо билан ёд этмайди. Эҳсон-тирикликда яхши ном қолдирмок таррадулдир.

**Филология фанлари номзоди Сайёра ХОЛМИРЗАЕВА тайёрлади.**

Офтоб нурларининг киши организмга фойдаси катта, лекин у ҳаммага ҳам ёқармайди. Масалан, юраги хаста, қон-томир, қалқонсимон без, жигар, буйрак ва бошқа касалликлари бўлган кишиларнинг, гўдак ва қарияларнинг узоқ вақт офтобда бўлиши маъқул эмас.

Агар организмнинг офтоб нурига сезгирлиги юқори бўлса, офтобда оз вақт турганда ҳам тананинг очик ерларида юз, қўл ва бўйнида тошмалар пайдо бўлиб, фотодерматоз хасталиги бошланиши кузатилади.

Иссиқ кунларда қон босими пасайиши, бош оғриғи, бош айлалиши, қувватсизлик, дармонсизлик, силланнинг қуриши юрак қон томир касалликларига хосдир, - деган эди Абу Али ибн Сино. Олимларнинг кузатишларича ёз ҳарорати ошқозон ширасини ҳам камайтиради, унда таомларнинг яхши ҳазм бўлмаслигига олиб келади. Таомлар енгил ва камқувват бўлиши керак.

Кўш нурлари организмга тик тушаётганда, айниқса бошланг юрса офтоб уриши мумкин. Офтобнинг киши организмига салбий таъсирини камайтириш учун айрим чора-тадбирларини эслатиб ўтаемиз.

1. Ҳар бир киши шахсий ва умумий санитария-гигиена қоидаларига амал қилиб, зарарли одатлардан (спиртлиқ ичимликлар ичиши, тамаки чекиш ва б.к.) воз кечишлари лозим.

Кийим-бош ҳам ёзнинг иссиқ кунларига мўлжалланган бўлиб, кенгроқ, енгил, юпқа оқ матолардан тикилган бўлса, куёшнинг ультратрабинофа нурларининг салбий таъсиридан асрайди.

2. Фотодерматоз касаллиги бўлган одамлар йилнинг иссиқ кунларида кўчага чиққанда соябони кенг шляпа, енгил узун қўйлак кийиб, қора кўзойнақ тақиб юришлари лозим. Шунингдек, уларга спиртлиқ ичимликлар, аччиқ қўй, кофе, қакао ичиши ва тамаки чекиш ҳам ёқмайди. Касаллик авж олган кезлари офтобга чиқмай кўпроқ қоронғи хонада бўлган маъқул.

3. Фотодерматоз касаллиги бор кишиларнинг овқати сервитамин бўлиши керак. Сутли таомлар, қайнатиб пиширилган гўшт, балиқ, парранда гўшти, фойдалани мев ва сабзавотларни (цитрус меваларини, помидор, шовил бундан мустасно) кўпроқ истеъмол қилиш зарур. Аччиқ, шўр, дудланган таомларни истеъмолдан буткул қайтариб юбориш лозим.

4. Ташна бўлган пайтда кўк чой, қатиқ, айрон, мева ва сабзавотлардан олинандиран шарбатлар ва қайнатмалар истеъмол қилиб юриш тавсия этилади.

**МАСЛАҲАТХОНА**

ли шляпа кийиш ёки рўмол ўраб олиш, кўзга эса рангли кўзойнақ тақиб лозим.

8. Иссиқ ҳароратли кунларда, оқар сувларда, қўл ва ҳовузларда чўмилиш ёки душ қабул қилиш жуда фойдали, лекин терлаб турган пайтда сувга тўсатдан тушиш шамоллаш касалликларини, томир тортиши ҳолатларини келтириб чиқаради ва ҳ.к.

Агар музқаймоқни истеъмол қилмок бўлсангиз, уни оз ва секинлик билан ейиш лозим. Акс ҳолда у томоғингизга, тишларингизга ва вуқудингизга салбий таъсир кўрсатади. Тана ҳароратини босиш учун сувуқ сув, газли сув, музқаймоқ ва бошқалар эмас, энг яхшиси бир пибела илик ёки иссиқ чой қифо ва бошқалар.

Ҳар бир киши завкли меҳнат қилиб, билидан дам олса, тўри ва сифатли овқатланса, санитария-гигиена қоидаларига амал қилса ёз фаслининг иссигини енгил, ташвишсиз ва кўнглили ўтказади.

**Сафар МУҲАММАДИЕВ, доцент.**

## ОНАМ МЕНИ ТУШУНАРМИКАН?

Мен олий ўқув юртининг талабасиман. Ешим 22 да. Гуруҳимизда Н. исми (ёши 23да) бир киз ўқийди. Бундан 2 йил олдин, бизнинг ўртамаздаги дўстлик "муҳаббат"га айланди. Лекин бу севги иккимизга ҳам аён эмас эди. Дарсларда тикилиб ўтирганимни сезиб қолгудай бўлса, кўзимни олиб қочардим. Нимадир мени унга томон боришга, суҳбатлашишга ундарди. Агар Н. курсдоқ йигитлар билан гаплашса, нимагадир жадил чикарди.

Бир кунни домла иккимизга баҳомизни кўйиб берди-да, ташқарига чиқиб туришимизни сўради. Сессия охири бўлгани учун коридорларда ҳеч ким йўқ эди. Коридорда Н. ўртоқларини кутиб турган экан. Мен унинг олдида бордим ва у билан суҳбатлашиб қолдим. Суҳбат мени қониқтирди. Ўртоқларим ва унинг дугоналари чиққандан кейин иккимиз ҳам кетдик. Дарсдан кейин уни кузатмоқчи бўлдим. Дарслар ўз вақтидан анча олдин тугади. Мен унга боққа боришни таклиф қилдим. Қарши жавоб бўлмаганидан, рози бўлганини билдим. Боққа бориб ўтирдик. У оиласи, ота-онаси, ўзи ҳақида сўзлаб берди. Агар у менга савол бериб қолса, калта жавоб бериб, унинг кўпроқ гапирлишини хоҳлардим. Кеч тушгач, уни уйига кузатиб қўйдим.

Ўз орзу-хаёлларим огушида уйга қандай етиб борганимни билмайман. Уйда дарс қилмоқчи бўлиб, китобни варақладим, лекин ҳеч нарса бошимга кирмас эди. Н.нинг гаплари теран фикрли, кенг қамровли эди. Мен бундай қизни учратмаган эдим. Севги нималигини билмас эдим. Дўстларимнинг севгиси ҳақида тасавури бор эди, лекин ўзим "севги йўқ нарса" деб ўйлардим. Эртаси кунни ўқишга бир соат олдин бордим. Негалигини ўзим ҳам билмайман. Н.нинг келмаганлигини кўриб тоқатсизлана бошладим. Дарс бошланишидан олдин уни кўргач, кўнглим жойига тушди. Сўрашдик, лекин бу олдинги сўрашишлардек эмас эди. Фақат у билан ёлғиз қолиб суҳбатлашганимда, дунёда гўё ҳеч ким йўқдек туюларди. Муҳаббатим ошиб боргани сайин бир нарса - ёшимиз ўртасидаги фарқни ўйламас эдим. "Севги ёш танламайди" деган гапга энди ишондим. Кунлар кетидан ҳафталар, ҳафталар кетидан ойлар ўтаверарди. Мен Н.га ўхшаган қиз бўлмас керак, деб ўйлардим. Эсимни танганимдан бери қидирган одамимни топгандек эдим. Кунлардан бир кунни мен ундан "сенинг менга муносабатинг қандай?" - деб сўрадим. Н. жавоб бермасликка ҳаракат қиларди. Кистайверганимдан кейин унда ҳам менга нисбатан шундай муносабат борлигини билдирди. Кўзимга бутун борлиқ гўзал кўриниб кетди.

Бир кунни бор гапни онамга айтдим:

- Ойижон! Ўқишни битиришга ҳам мана, озгина қолди. "Ўқишни битирсанг, тўйингни қиламиз" дегандингиз. Қиз қидириб вақтингиз, соғлигингиз кетмасин дейман. Гуруҳимизда бир қиз ўқийди. У бошқа қизларга ўхшамайди. Муомаласи, камтарлиги, истараси иссиқлиги билан бошқа қизлардан ажралиб туради. У менга жуда ёқмади. Унинг ҳам менга муносабати ёмон эмас. Агар ўша қизни кўриб ёқтирсангиз, ўқишим биттандан кейин унга уйланаман" - дедим.

- Ёши нечада, ота-онаси қандай одамлар? - дедилар.

"Ёши нечада" деган савол юрагимга қутилмаган зарба бўлди. Нима дейишимни билмай қолдим. Алдайми ёки тўғрисишни айтишим, деб ўйлардим. Агар алдасам, барибир бир кун сир фош бўлади, унинг устига қиз онамни алдас... Бундан ортиқ гуноҳ бўлмас керак, яхшиси ростики айтмаман деб:

- Мендан бир ёш катта, ота-онаси яхши, кўпни кўрган оқ кўнгли одамлар экан, - дедим.

Онам бизнинг ўртамаздаги фарқ катта аҳамиятга эга эканлигини ай-

тиб, ҳаётдаги воқеалардан мисол келтирди. Бу гаплардан кейин мен ўз онамга кириб кетдим ва ўйга толдим. Уйларим кети узун бўлганлиги сабабли тун жуда секин ўтди. Тонг отишини эса хоҳламас эдим. Унга бу гапни қандай айтаман. Н. мен ҳақимда нима деб ўйлайди, деган ўй мени тинч қўймасди. Ўқишга оёғим тортмаган ҳолда етиб бордим. Н.нинг кайфияти яхши эди. Дарслар қандай тугаганини сезмай ҳам қолибман. "Ҳозир айтганим маъқулмикан ёки



кейинроқ айтсаммикан?" - деган савол қўйнарди. Охири бўлмади. Н.нинг характерини яхши билардим. Айтишга қарор қилдим. Бу гапни эшитиб, Н. йиғлаб юборди, тез-тез юриб уйига қараб кетди. Орқасидан қараб қолавердим. Дунёдаги энг азиз нарсамдан айрилгандек уйга кириб бордим. Кайфиятим ҳам йўқ эди. Онам нега бундай кайфиятда эканлигини сўрадилар.

- Кечаги гапингиз бўйича ишни тўғирлаб келдим, - дедим.

- Нима бўлди?

- Йиғлаб кетди.

Онам: "Кейинчалик у ҳам, сен ҳам кўниқиб кетасизлар, кайфиятингни туширма", - дедилар. Мен ўз онамга кириб кетдим. Уч-тўрт кун гаплашмай юрдик. Назаримда ҳаётимнинг қизиги қолмагандек эди.

Нимадир бўлиб, яна гаплашиб кетдик. Нима бўлганда ҳам бирга бўлишимизга қандайдир умид бордек эди. Лекин, тақдирнинг ўйинини қаран-ки, шунча гапсўздан кейин Н. билан узоқлашми ўрнига, уни олдингидан ҳам кўпроқ сева бошладим. Бу учрашувлардан кейин ҳамма нарса мен орзу қилгандек, мен хоҳлагандек, ҳаёт бир йўсинда давом этадигандек Н. билан доимо бирга бўлишгандек туюларди. Оллоҳ, балки мени синаётгандир деб ўйлайман. Муҳаббатимиз кундан-кунга алангаланиб борапти. Олдингидан ошса ошдики, асло камайгани йўқ. Бу воқеадан хабардорларнинг ҳаммаси "Онанга тушунтир", дейишди. Лекин мен қандай қилиб тушунтиришни билмапман...

Шундай тушунтиришни керакки, улар мени тўри тушунсинлар. Шу сабабли мен сизлардан маслаҳат сўрамоқдам. Газетанинг ҳар бир сонини интизорлик билан кутиб қолувчи, маслаҳатингизга зор муҳлисингиз,

Ж., Самарқанд

## ҲУСН ҲАМ БАХТСИЗЛИК ЭКАН

Мен бир йигитни бир неча йил давомида пинҳона севиб юрардим, бу сирдан ҳеч ким воқиф эмасди. Уни қанчалик севишим ёлғиз Яратганга аён. Лекин менинг гурурим ҳеч қачон бу сирни ошкор этишга йўл қўймасди. Чунки, у ўзини жуда катта тутар, маҳаллада ҳам ҳеч ким билан гаплашмасди. Ўз ўйида, "у ҳеч кимни назарига илмас керак" деб ўйлардим. Аммо, баъзан кишининг кўнгли ҳам адашиши мумкин экан. Бунини мен энди билдим. Ўша пайтда ундан буткул уимидини узган эдим. Шунча йиллик жавобсиз севгидан ўзим ҳам чарчавдим. Қутилмаганда, менга маҳалладан совчилар келишди. Йигитнинг оиласи яхши бўлгани сабаб, уйдагилар рози

ҳақидаги миш-мишларга ишонмасдим, у менга фариштадек кўринарди. "Муҳаббатнинг кўзи кўр", деганларини рост экан... Аввалига муносабатимиз яхши эди, барчанинг бизга ҳаваси келар, биз бамисоли "Тоҳир-Зухро" эдик. У ҳар кунни кўнғироқ қилар, тез-тез учрашиб турардик. Афсуски, бу бахтиёрлик кўпга бўзилмади. Орамизга қандайдир совуқчилик тушди. Мен-ку, халиҳануз уни севмаман, лекин у бутунлай ўзгарган. Ўзини бегоналардек тутати, кўнғироқ ҳам қилмайди. Кўнгли шунчалар совиб кетганки, мен ҳақимда эшитишни ҳам хоҳламайди... Ваҳоланки, у мени бирор йигит билан кўрмаган, кўчадаги одамларнинг гапларига ишониб юрибди. Лекин, бу ҳақда менга бир оғиз ҳам гапирмайди. "Сенга уйланмайман, сени севмай қўйдим" ёки бошқа сабаб йўқ, ўз ҳолича сир бой бермайди. Ажралишга ҳеч имкон ҳам бермайди. Мақтаниш эмас, дугоналарим ҳавас қилса арзигудек қизман. Ўта чиройли бўлиш ҳам кўп изтироб келтираркан. Унга: "Чиройли қизнинг ошиғи кўп бўлади, унга етиша олмагач гап-сўз қилишадир", - деб айтишга ҳам ўз фикридан қайтмайди. Йигитлар севги изҳор қилса, ёки совчи жўнатса, менинг айбимми? Ёки шунини "юрди"га чиқариш шартмикан? Бундан бир неча йил аввал бир номард йигит мен ҳақимда ёмон гаплар тарқатиб, менга тўхмат уюштирганди. Шу ўтиб кетган гаплар унга қўл келяптимики? Ҳеч тушуна олмаман. Ё турмушга чиқиб кета олмаيمان, ёки жўяли жавоб бермайди. Мен қандай йўл тутушга ҳайронман. Наҳотки, севги деган муқаддас тўйгу шунчалар тез келиб, тез кетса? Авваллари уни бир аёл билан дон олишиб юради, деб эшитувдим. Бу гапларни, шунчаки йигитчилик-да, дея шўхликка йўйган эдим. Бир кун келиб бу аёл севгилимини тортиб олиши ҳаёлимга келмабди! Атрофимизда ўзгалар бахтини кўролмайдиганлар, гийбатчилар кўп экан. Нимага одамлар севишганлар орасига аралашади, икки ёшининг ўртасини бузишади? Бундан улар қандай наф кўришади?! Уям бир тарафдан мени қийнайди. Ҳатто уни деб ўқишимни ташлаб юборишимга оз қолди. Онам туфайли ўзимни қўлга олдим. Ҳалиям онам менга тиргак бўладилар, юпатадилар. Онамга ҳам кўп нарсани айта олмаман. Чунки, уларни ҳам мен каби эзилишни истамайман. Менга улкан ваъда бериб, бахтимни, йўлимини тўсган, эндиликда ўзини шундай тутаётган йигитга нима дейсизлар? Ойнинг ўн беши ёруғ, ўн беши қоронғу. Наҳотки, мен учун ёруғ кунлар тугаган бўлса? Аросатдан чиқишнинг иложи бормикан? Ҳижрон азобига чидай олмаи, сизларга мактуб йўллаяпман. Бу ёйига нима қилай? Уни қандай ишонтрай? Менинг айбим йўқ-ку, ахир? Қисқа вақт ичида ҳам одам шунчалар ўзгарар экан-да, ё менда қасди бормикан?

М., 20 ёш.

## МАҲАЛЛАМИЗДА ҚИЗ КЎПУ, АММО...

Асли самарқандликман. Ҳозирги пайтда оиламиздаги келишмовчиликлар сабаб ўшбу мактубни ёзишга мажбур бўлдим.

19 ёшимгача бирор қизга қайрилиб қарамаганман. Аммо, буй етгач, истасанг-истамасанг, кимгадир қарашга, умр йўлдошингни танлашга ҳаракат қиларкансан. Менга ёққан бир-икита қизларни онамга тавсия қилдим, аммо уларнинг яшаш жойлари узоқ бўлгани сабаб, розилик бермадилар. "Узоқнинг нимасини орзу қиласан, оламан десанг, маҳалламизда ҳам қизлар кўп-ку", дедилар калта қилиб.

Онамнинг раъйига қараб маҳалламиздаги бир қиз билан гаплаша бошладим. Кунлар ўтди. Бир-биримизни синаб, қаттиқ боғланиб қолдик. Ўртамаздаги муносабатдан кўнглим хабардор эди.

Мен отасиз ўсганлигим сабабли, акам ва онамнинг тарбиясида катта бўлдим. Акам ҳам мени юриш-туришимдан хабардор бўлиб, норози бўлди. Ҳатто, онамга қаттиқ тайинлаб

гапирибди шекилли, бошда розилик берган онам ҳам ҳозир менга қарши бўлиб қолган. Ваҳоланки, севгимиздан, келгусидаги орзуларимиздан онам хабардор эди. Аммо, акам "Ўка, у қиз яхши. Аммо, келиб чиқиси, уруғи яхши эмас. Қолаверса, ота уруғи кўп ичоди... Бўлмаса, улар ҳам ўзимизнинг манғит уруғидан, олиб ҳам берибверардик. Ота уруғи сабаб, биз улар билан қуда бўлмаймиз... Агар сен ўша қизни танлаган бўлсанг, бор, уларникида яшайвер", - деди. Бу гапни эшитиб икки ўт орасида қолганимни сездим. Қиз тикувчи, ҳозирда зардўзликка ўқимоқда. Қўлидан рўзгорнинг ҳамма иши келади. Уни десам, уйимдагилардан, уйимдагиларни десам, ундан воз кечишим керак... Мен нима қилай: юрак амрига қўлоқ тутиб, севглим билан бўлайми ёки онам ва акамни танлайми? Маслаҳатларингизни муштоқлик билан кутиб қоламан.

БЕХРУЗ,  
Самарқанд вилояти.

Бахт, муҳаббат, оила тушунчаларига тушдаги илоннинг нима дахли бор деб ўйлашингиз мумкин. Мен ҳам ирим-сиримларга ишонмайман. Лекин Оллоҳ барча нарсаларни бир-бирларига боғ-лиқ ҳолда яратган-ку! Шундай экан туш ҳам тақдиримизга сабабчи бўлиши мумкин. Бунга ушбу сеvimли газета-мизда бир неча марта туш табири ҳақида ёзилган воқеалар ҳам ёрқин мисолдир.

Тушида илонни кўрганларим боғ, бахтли бўлади дейишади. Илон йилида туғилганларнинг бахтли бўлиши ҳақида ўйланман. Илонларнинг табобатдаги ўрни барчага маълум. Илонлар ҳақида гапиришни тегишли мутахассисларга қўйиб берай-да, илонлар сабабчи бўлган воқеаларнинг баъзилари ҳақида гапириб берай.

Талабалик йилларимда Тошкентдаги эски бир маҳаллада чол-кампирикнида ижарада турардим. Уйдаги баъзи ишларни ўз гарданимга олгандим. Баҳор кунларидан бири эди. Табиат уйғонган, дарахтлар гуллаган, ерлар ашиш либосга бурканган. Бир дам олиш кунини иш кийимларимни кийиб, ҳовлидаги 5 сотихча ерни чопа бошлагандим. Бир маҳал вишиллаган овозни эшитиб ён томонга бурилиб, мендан сал нарида 1,5 м. чамаси бир илоннинг тилини тебратиб турганини кўрдим. Секин мен томонга юра бошлади. Беихтиёр қўлимга тош олиб отдим. Нимагадир тошнинг унга тегмаслигини хоҳлардим. Аксига олиб тош тўғри илоннинг бошига тегса бўладими. Ҳозир эслолмаяпман, назаримда, қон ҳам сизиб чиқди. Жони озригандан бўлса керак, тўлғона бошлади. Қўлимдаги белкуррак билан майда-майда қилиб, шу ёрнинг ўзига 1 м. чуқур қазиб илонни кўмдим. Кўрқашмасин учун уй эгаларига айтмадим.

Орадан бир неча йил ўтди. Институтни тугатиб ишлаётган бўлсам ҳам ҳамон ўша жойда яшардим. Уйланишимни ўйлаб у-бу гаплаб юрардим. Топганларим оздай кўринаверарди. Таниш йигитлар билан биргаликда ҳаром ишга-ўғирликка қўл урдим. Узимиз ишлайдиган корхонадан ўғирлик қилишни режалаштирдик. Шу кунни кечкурун туш кўрдим. Атрофлари тутзордан иборат қишлоқ йўлида пиёда борардим. Ниманидир сезиб орқамга қараб 4 та илонча келатганини кўрдим. Юришда давом этиб яна орқамга қарасам илончалар 1 м. ча бўлишган, келаятиб ҳам энга, ҳам бўйига ўсишарди. Энди қаттиқ кўрқиб югура бошладим. Оёқларим ўзимга бўйсунмай қолди. Шунда уйғониб кетдим. Узимни енгил ҳис қилар, кайфиятим яхши эди. Режамиз аниқ эсимда, ишларим юришадигандек ўз-ўзимдан қувонардим. Хар гал одамларга бирор фойда келтиришни ўйлашдан ишни бошлайдиган одам ҳаётимда биринчи ва охириги (худо хоҳласа) марта қандай қилиб чўнтагимни қаппайтиришни ўйлашдан бошладим. Ўғирлик молни корхонадан олиб чиқиш меннинг чекимга тушган эди. Иш чаппасига кетди. Қўлга тушдим. Ҳаммасини ўз бўйинимга олдим. 8-9 ойлаб терговга қатнаш, суд ҳукми ва бошқа воқеаларнинг ўзи бир

достон. Уйланмоқчи бўлган қизим эрга тегиб кетди. Бир неча йил "ўтириб чиққан ўғри"га тегишни хоҳламади шеклили. Уз хоҳишимга кўра ишдан бўшатишларини сўраб ариза ёзиб қадрдон коллективим билан ҳам хайрлашдим.

Бирга ўқиган курсдошим ёрдамида бошқа корхонага ишга жойлашдим. Ишга бутун вужудим билан киришиб кетдим. Бир кун курсдошим ёқимтой, ёши ўн тўққизда, кийган кийимлари ўзига ярашган, озода бир қиз билан таништирди. Унинг ишга кирмоқчилигини, армияда бирга бўлган

қилдик. Уйланиш ҳаракатидаги кунларда яна бир туш кўрдим. 1 м. ча илон тикка турганича тебраниб, чиройли ҳаракатлар қилиб рақсга туша бошлади. Шу пайтда яна бир қора илон пайдо бўлди. Иккалasi атрофимда соллаиб рақс туша бошлади. Сал қимирласам менга қарашар, жим турсам яна рақс тушишда давом қилишарди. Навбатдаги қимирлашимда иккаласи бирдан менга қарашди. Шунда... қора илоннинг боши ўрнида курсдош ўртоғимнинг боши, иккинчисининг ўрнида қизнинг боши жойлашган эди. Бирдан уйғониб кетдим.

## ИЛОН БАХТМИ?



ўртоғимнинг синглиси эканини айтди. Оддий ҳисобчи лавозимига қабул қилишни сўраб бир амаллаб бошлигимизни кўндирдик. Бу қиз менга вафдор бўлиб кўринди (туюлди). Кейинги вақтларда курсдошим ҳам мен билан бирга яшаётганди. Ўртоғим уйланиб ажралишга ҳам улгурган эди. У менга ҳалиги қизга уйланишни таклиф қилди. Қиз жуда чаққон, ётоқхонада жойлашган бўлса-да, кўп вақти бизниқида ўтарди. Синглимиздай бўлиб қолган, чол-кампирикнинг кўнглини олишга ҳам улгурди. Хонамиз доим саронжам-саришта, идеш-товоклар ювилган, кийим-бошларимиз ҳам ювилиб, дазмолланиб, тахлаб қўйилган, ховли, уйлар, ошхона ёғ тушса ялағудек эди. Хуллас қиз билан турмуш қуришга аҳд

Ўзимни жуда яхши, енгил ҳис қилдим. Эртаси кунни ўртоғим билан қизнинг менга хиёнат қилаётганларининг гувоҳи бўлдим. Иккаласини ҳам бир жойга, бир нуктага таклиф қилдим. Аммо ўзим бормадим. Ишхонага бориб ўз хоҳишимга кўра ишдан оозод қилишларини сўраб ариза ёздим. Бошқа квартиргага қўчиб ўтдим. Орадан ойлар ўтган яна уйланиш тараддудига тушдим. Совчилар бориши керак бўлган кундан бир кун олдин яна туш кўрдим. Яна илон. Бир адирда 1,5 м. келадиган илон мен томонга судралиб келарди. Қўлимга тош олиб унга отдим. Тошнинг тегмаслигини, илоннинг чўчиб қайтиб кетишини истардим. Бахтга қарши, худди ўнгимдагидек, тош тўғри бориб унинг бошига тегди.



Лекин ўлдирмадим. Боши мажакланган илон бурилиб кетиб қолди. Уйғониб кетдим ва ўзимни жуда енгил ҳис қилдим. Совчиликка боришни кечиктирдим. Қандайдир куч мени маҳалла имомига учрашга ундади. Учрашдим. Имом бир қора кўй сўйиб садақа қилишни, мачитдаги катта домлани чақириб меҳмон қилиб, бошдан оёқ сарпо қўйиш, ундан ёрдам сўрашни маслаҳат бердилар. Лекин мен тавakkal қилиб шаҳардаги катта мачитлардан бирига бордим. Қариялар ўргатганидек бисмиллони айтиб, аввал ўнг, сўнг чап оёғимни босганча мачит дарвозасидан биринчи бор ичкарига қадам қўйдим. Мачит ҳовлиси жим-жит, ҳамма ёқ ораста, қандайдир бир оддийлик мавжуд эди. Шу онда тўғридаги хонандан қора соқол-мўйловли, юзидан нур ёғилиб турган, ўрта бўйли бир киши юзларини артганича чиқиб келди. Саломлашиб катта домлани сўрадим. Мени бурнақдаги хужрага бошлади. Киргач мени кўярда-кўймай тўрга чиқариб қўйиб, хонтахтадаги ноз-неъматлар устига ёпиб қўйилган рўмолни олиб дастурхонга таклиф қилиб, одоб билан чой қўйиб узатди. Буни қарангки, мен излаб келган катта домла ўша оддийгина, ширинсўз, мени кутиб олган кишининг ўзи экан. Одатдаги хол-аҳволдан кейин тушимга илонлар воқеаларини ва улар сабабли бўлаётган воқеаларни айтиб бердим. Домла "келиб жуда яхши қилибсиз" деб, Қуръони Каримдан, Ҳадиси шарифдан мисоллар келтириб чиройли гапларни гапириб бердилар. Ҳеч ҳам кўрмасдан (фақат Оллоҳдан кўрқиб) ва Оллоҳдан мадад сўраб, кечиктирмасдан уйланиш лозимлигини маслаҳат бердилар. Оила ҳақида тушунча бераётиб: - "Мабодо ёмон туш кўрсангиз, бир-икки калима (камиди) Қуръон ўқиш, илоҳи бўлса ўриндан туриб тахоратни қилиб 2 рақат намоз ўқиб олинг", - дедилар. Домлага раҳмат айтиб қайтаётганимда, бир нарсани таъна қилиш у ёқда турсин, ўзларининг қирқ йиллик дўстларини кузатгандек, дарвозадан чиқиб қўлларини кўксига қўйиб, "Келиб туринг" деб ўзларида юксак маданият мужассамлашганини исботлаган ҳолда кузатиб қолдилар.

... Совчилар хурсанд бўлиб қайтишди. Мен орзиқиб кутган тўй ҳам бўлиб ўтди. Тақдиримдан нолимайман. Илоҳи борица ҳалол яшашга ҳаракат қилаяпман. Тушдаги илон бойлик бўлса, хозирча мақтанадиган нарсамиз йўқ. Ота-онамиз уйда яшаяпмиз. Ҳалол, пок йўл билан мумкин бўлса, боийш ниятимиз ҳам йўқ эмас. Энди келажакда нима бўлишни менимча фақат Ўзбекистоннинг ўзига билади. Лекин илонларнинг ҳеч унутолмаяпман. Худди яна тушимга қирадигандек. Уйларим, ҳаётга қизиқишларим чексиз...

Р.ХОЖИЕВ,  
Фаргона вилояти,  
Куvasой шахри

### ЖАҲОН ҚИЛАДИ

Мери Жимини жуда ҳам ёқтирарди. Аммо унинг онаси Жими билан учрашишни доим таъқиқларди. Улар бир-бирлари билан яширинча учрашиб юришарди...

Кунларнинг бирида Мериининг онаси ҳовлида туриб Мериини Жими билан гаплашаётганини сезиб қолади. Мери уйига анча кечикиб киргач, онаси қизидан сўрайди:

- Қизим, нега кечикиб кетдинг?  
- Ойга қараб тургандим, - жавоб берибди Мери...

- Унда Ойга айт, соат етгидан ўттиз дақиқа ўтаяпти, кеч бўлди, у ҳам уйига борсин, - деб жавоб берибди онаси.

Икки эркак киши автобуста суҳбат

лашиб қолишди:

- Сиз бугун Милбернинг маърузасига борасизми? - сўради биринчи эркак киши иккинчисидан.

- Албатта, бораман, - жавоб берди иккинчи эркак.

- Мени гапимга кирсангиз, борманг. Мен биламан, у яхши маърузачи эмас...

- Менинг боришим шарт, - жавоб берди иккинчи эркак киши.

- Чунки мен Милберман...

\*\*\*

Ўқитувчи: - Майк, қайси ҳайвонни тўртга оёғи бор...

Майк: - Икки гоғзинг...?

Инглиз тилидан  
Сафарали Ҳожиёв таржимаси

### 28-сондаги БОШҚИТIRMA ЖАВОБЛАРИ

**БЎЙИГА:** 1-Тавкар. 2-Фарб. 3-Жиро. 4-Войдод. 10-Брасс. 11-"Спорт". 13-Чегарачи. 14-Феруза. 17-Кутб. 18-Қора.

**ЭНИГА:** 5-Чангал. 6-Биёбон. 8-Бруно. 9-Қалб. 11-Смог. 12-Рамақижон. 15-Зевс. 16-Трек. 17-Қошиқ. 19-Бринза.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилбар Фуломовага умр йўлдоши

**Зоҳиджон УСМОНОВИНИНГ** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Оила ва жамият" газетаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилбар Фуломовага турмуш ўртоғи

**Зоҳиджон УСМОНОВИНИНГ** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихлоқ этади.

### Оила ва жамият

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Кўлэмалар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтирилмайди

### БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Телефонлар:  
Бош муҳаррир — 133-28-20  
Котибият — 34-86-91

МАНЗИЛИМИЗ:  
Тошкент - 700000  
Амир Темура кўчаси,  
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни басмахонаси.  
Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти - 20.35  
Босишга топширилди - 21.15

### ХОМИЙ

«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик жамияти

ОБУНА ИНДЕКСИ - {якка обуначилар учун 176  
ташкilotлар учун 177  
Рўйхатга олиш № 33  
Буюртма Г-0558  
30010 нускада чоп этилди.  
Формати А-3, ҳажми 2 босма тобқ.  
Баҳоси эркин нарҳда.  
Рассом — Н.ХОЛМУРDOV.  
Навбатчи — Ф.ТОҲИРОВА.